murattabanī²⁴ madhkūra madrasa masjidīda ūqūb bī-'udhr-i shar'ī bīr hafta imāmat tarkīn qīlmāsūn wa madhkūr masjid mu'adhhdhīnī dāghī (110) bīsh waqt namāzda ḥāḍīr būlūb adhān-i Muḥammadiyyanī barpā tūtūb yil ichīda bir hafta adhān wa iqāmatnī bī-'udhr-i shar'ī matrūk tūtmāsūn wa madhkūra madrasa farrāshī dāghī hamīsha ījī²⁵ wa ṣaḥnīnīnk (111) khas-khāshākīn sūpūrūb bī-'udhr-i shar'ī ūz īshīda bī rawālīq qīlmāsūn wa sartarāshī dāghī madhkūra madrasa yārānlārīnīnk sāch wa mūylablārīn alīb bī-'udhr-i shar'ī ūz (112) 'amalīda tahāwun²⁶ kūrūzmāsūn wa qūduqchīsī dāghī madrasa quduqīnīnk dalwīrsīnīn²⁷ amāda²⁸ tūtūb bī-'udhr-i shar'ī yārānlārīnī mu'aṭṭal²⁹ qīlmāsūn [...].

Воқиф талабига кўра мадраса мутаваллиси ва мударрисси алоҳида фазилатга эга бўлишлари лозимлиги таъкидланади. Хусусан, мутавалли ишончли, тўғрисиўз ва садоқатли, макр-хийладан узоқ бўлиши лозимлиги, мударрис эса ўтқир зеҳн ва билимдонлик хислатларига эга бўлиши қайд этилади. Мутавалли мадраса ходимлари устидан доимий назоратни олиб бориши ва ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаган ходимларни эгаллаб турган лавозимларидан мадраса мударрисси билан келишган ҳолда озод қилиши мумкинлиги белгиланган.

Муҳаммад Раҳимхон II мадрасаси вақф хўжалиги фаолиятида Хива хонлиги анъанавий таълими тизимининг айрим жиҳатлари ҳам намоён бўлади. Мадрасада таълим жараёни Саййид Муҳаммад Раҳимхон ўрнатган талабга кўра ташкил этилган ва олиб борилган. Таълим анъанавий услубда – куйи (*adnā*), ўрта (*awsat*) ва юқори (*a'lā*) каби 3 босқичда жорий этилиб, талабаларга икки йўналиш – *мушкулот* ва *масъала* бўйича таълим берилган. *Мушкулот* йўналишида араб тили грамматикасини ўзлаштириш билан бирга асосий эътибор ақида илмига қаратилган. *Масъала*да эса, асосан, Ислом ҳуқуқшунослиги (фикҳ) асосларига оид китоблар ўқитилган. Ҳар бир босқичда ўзлаштириб борилиши шарт бўлган дарсликлар ҳам вақфнома шартига акс этган. Жумладан, *мушкулот* йўналишида куйи босқичда – аввал илмдан *Ақоид*гача, ўрта босқичда – *Ақоид*дан *Мулло Жалол*³⁰гача, юқори босқичда эса – *Мулло Жалол*дан охириги илмгача бўлган дарсликлар ҳамда *масъала* йўналишида эса куйи – *Мухтасари Виқоя*дан *Шарҳи Виқоя*гача, ўрта – *Ҳидоя* ва юқори – *Тавзеҳ* каби Ҳанафия мазҳабига оид фикҳий асарлардан таълим бериш жорий этилган. Ўз навбатида, мадраса талабалари қайси босқичда эканлигига қараб вақф мулклари даромадлари ҳисобидан таъминланган. Ўқув йили давомида махсус кунлар ва ойлар,

²⁴ *ṣalawāt-i khamsa-i murattaba* – кундалик беш вақт намоз.

²⁵ *ījī* – (мадраса) ичкарисси.

²⁶ *tahāwun* – бепарволик, эътиборсизлик.

²⁷ *dalwir [dalw]* – чарм идиш, ковға, челак.

²⁸ *amāda* – тайёр (ҳолда).

²⁹ *mu'aṭṭal* – куттириш, бўш қолдириш.

³⁰ *Мулло Жалол*, Жалолиддин Давоний (1427–1502) томонидан Ижийнинг «Ақоид ал-Аудият» асарига ёзилган шарҳ. (Қаранг: В е ч к а J. Traditional schools in the works of Sadriiddin Aynī and other writers of Central Asia II // Archív Orientální, No. 40, 1972, Praha. P. 136.)

хусусан, хижрий йил таквими бўйича Курбон байрамидан 20 кун аввал ҳамда шаъбон ойининг 10-санасидан Рамазон байрамигача бўлган муддатлар таътил даври сифатида белгиланган.

Мадраса вақф хўжалигидаги ходимлар таркиби ва сони ҳақида вақфномада батафсил маълумотлар келтирилмайди. Бирок Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви «Хива хонлари архиви» фондидаги ҳужжатда 1335/1916–1917 йилларда мадраса айрим ходимларининг сони ва баъзи лавозимларни эгаллаб турган шахслар ҳақида куйидаги маълумотлар келтирилади.

1-жадвал

Муассаса ходимлари лавозимлари

Лавозим	Сони	Шахслар исмлари (ёки лавозими)
Мударрис	7	Қозикалон Эшон Қози Хос Эшон Аълам Эшон Раис Эшон Абдуллоҳ Охунд муфтий Бадрхонли Ибодуллоҳ Махзум Охунд муфтий Ибодуллоҳ Охунд баззоз
Имом	2	Домулло Ийд Домулло Абдуллоҳ Махзум
Муаззин	2	Абдуллоҳкори Исмоилхўжа
Фаррош ва сартарош ³¹	1	Оллоҳберган пичоқчи
Сувчи	1	Жабборберган

Мазкур жадвалдан Саййид Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида мударрислик лавозимини хонликнинг қози, аълам, раис каби юқори диний мансабдорлари доимий равишда эгаллаганликлари маълум бўлади. Ўз навбатида, қозиларнинг мударрис сифатидаги иштироки бошқа мадрасалар амалий фаолиятида ҳам намоён бўлади. Хусусан, тадқиқотчи Роберт Макчезни Балхда жойлашган Хўжа Абу Наср Порсо макбараси мажмуаси таркибига кирган Назр Муҳаммадхон мадрасаси вақф хўжалиги тарихига тўхталиб, мазкур мадрасада мударрис бўлиб ишлаган 2 та қозидан бири Балх қозиси эканлигини алоҳида қайд этади³².

³¹ Рўйхатда қудуқчи сифатида қайд қилинади, бироқ сувчи лавозими ҳам келтирилган. Шундан келиб чиққан ҳолда ва бошқа мадрасалар амалиётида *фаррош*, *сартарош* лавозимлари аксарият ҳолларда битта шахсга тегишли бўлганини ҳисобга олиб жадвалда *сартарош* лавозими келтирилди.

³² M c C h e s n e y R.D. Architecture and narrative: the Khwaja Abu Nasr Parsa shrine. Part I: constructing the complex and its meaning, 1469–1696 // Muqarnas, Vol. 18 (2001) P. 110.

Архив хужжатида мадраса талабалари таркиби ва исмлари хақида маълумот келтирилмаган. Бироқ талабалар учун мўлжалланган хужраларнинг сони 74 та эканлигидан келиб чиқиб, мадрасада талабаларга 148 та ўрин ажратилган деб тахмин қилиш мумкин.

Мадраса вақф мулклари, даромадлари ва улар тақсимооти

Саййид Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси даромадларининг асосини муассаса фойдасига қилинган ерлар, пуллар ва Хива шаҳридаги бозор дўконлари учун ажратилган ер майдони ижарасидан олинган фойда ташкил этган.

Муассаса ихтиёридаги вақф ерлари анча салмоқли бўлиб, экиладиган ерлар хонликнинг турли худудларида ва, асосан, йирик суғориш тизимлари яқинида жойлашган. Вақфномада қайд этилган, робиъ ул-аввал 1290/ апрель-май 1871 йилда қози томонидан расмийлаштирилган илк вақф хужжатида Саййид Муҳаммад Раҳимхон томонидан хонликнинг Шамом, Шоҳобод, Бешмерган, Кўк Чака, Қиличбой, Тошховуз, Уйғур, Сорибий, Қулон, Хива ва Манғит каби худудларида жойлашган жами 20173,5 *таноб*³³ 40 *агри*³⁴ ерлар вақф мулки сифатида таъсис этилади. Кейинги йиллар давомида, хусусан, 1874–1881 йиллар оралиғида яна хонга тегишли қарийб 14490 *таноб* ер вақфга айлантирилади. 1306/1888 йилда сарой аёнлари Иброҳимхўжа – 1000 *таноб*, Муҳаммад Яъқуб девон – 50 *таноб* ва Паҳлавонниёз мирзабоши – 930 *таноб* ерларини мадраса фойдасига вақф этадилар. Шунингдек, Домулло Курбонниёз томонидан вақф қилинган 30 *тилло*га яна муассаса даромадлари ҳисобидан 2 *тилло* кўшилиб, 1313/1895 йилда 6 *таноб* ва Паҳлавонниёз мирзабоши вақф этган 1000 *тилло*га 1314/1896 йилда 155,5 *таноб* ер мадраса учун сотиб олингани келтирилади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, вақф этилаётган ерлар аниқ жойлашган ўрнини билдиришда вақф хужжатларида *тавобеъ*, *мавзеъ*, *қория* ва *масжид қавми* каби маъмурий бирликлар учрайди. Масалан, 1299/1882 йилда тасдиқланган хужжатда Шоҳобод *тавобеъи Туқманғит қорияси*³⁵ Мулло Эрнийёз қавмида жойлашган жами 8 *таноб* ер вақф қилингани қайд этилади. Бироқ мазкур маъмурий-худудий бўлиниш ва улар учун қўлланилган бирликлар катъий ўрнатилган тартибда бўлмай, хужжатларда *тавобеъи ёки қория* номи билан келган муайян худуд бошқа ўринларда *мавзеъ* тарзида учрайди.

Мадраса ихтиёридаги вақф ерлари *аҳё* (экин экиладиган) ва *адро* (экин экилмайдиган)дан иборат бўлган. Шунингдек, хужжатларда вақфга айлантирилган ерлар таркибида аҳоли яшайдиган турар жойлар (*bir ḥawlī bā-buyūt-i muta'addada, iḥīda ḥawlī wa ūylārī bīla*), омборхоналар ҳам мавжудлиги эътироф этилади. Хужжатларда вақф қилинган ерлар тўрт томон чегараси ва микдори қайд этилиб, агар мазкур ер майдонлари таркибида бошқа шахслар ёки диний ва жамоат муассасаларига қарашли мулклар мавжуд бўлса, улар жойлашган жойи, чегаралари, ўлчами хақидаги маълумотлар келтирилган ҳолда, улар мадраса вақф мулклари ихтиёридаги мулк эмаслиги алоҳида таъкидланади.

³³ *Таноб* – 4037–4097 кв.м. (Қаранг: Д а в и д о в и ч Е.А. Материалы ... С. 128.)

³⁴ *Агри* – 1/320 *таноб*.(Қаранг: Д а в и д о в и ч Е.А. Материалы ... С. 122.)

³⁵ *қория* – кишлоқ.

Вақфномада вақф муассасасига тегишли мулклар қаторида Хива бозор жойи³⁶ ҳам зикр этилади. Бу вақфлар ижараси мадрасага ҳар йили 500 тилло даромад келтирган. Ўз навбатида, мадраса иктисодий таъминоти асосларини янада кен-келтирган. Ўз навбатида, мадраса иктисодий таъминоти асосларини янада кен-келтириш ва келаётган фойда ҳажмини мунтазам ошириб бориш мақсадида хоннинг кўрсатмаси асосида мазкур маблағларга ер сотиб олиш ҳамда вақфга айлантириш амалиёти жорий қилинган.

2-жадвал

Мадраса бозор вақф жойлари йиллик ижараси даромадидан сотиб олинган ерлар

Сана	Нархи (тилло хисобида)	Жойлашган ўрни (тавобеъ ёки мавзё)	Миқдори (таноб хисобида)
1295/1878	350	Янги Арик	320
1296/1879	595	Анбар Манок	10,5
		Тошқовуз	140
		Кўкчака	1500
		Кум Сарик	2500
1297/1879–1880	546	Анбар ва Шоҳобод	97
1298/1880–1881	500	Анбар ва Шоҳобод	5071,75
1299/1882	500	Шоҳобод	74
1300/1883	500	Шоҳобод	73,25
1301/1884	500	Шоҳобод	57,75
1303/1886	500	Бағалон	153,5
1304/1887–1888	500	Бағалон ва Шоҳобод	161
1305-06/1888–89	1000	Кўкчака, Бағалон, Анбар...	209
1307/1889–1890	500	Анбар ва Шоҳобод	78,75
1308/1891	536	Анбар Манок, Бағалон...	70,5
1310/1892	500	Шоҳобод, Манок, Бағалон...	142
1312/1894	499	Манок	65
1313/1895	805	Шоҳобод, Хитой, Дарёбий...	1087
1317/1899	892,5	Қиличнӣёзбой, Кўкчака...	149,75
1318/1900	1107,5	Бағалон, Қиличнӣёз, Манок...	135
1320/1902	755	Қиличнӣёзбой, Манок	59,5
1326/1908	422,5	Кўкчака, Шоҳобод, Собирзон...	105
1327/1909	390	Тамоч, Айритом, Иқдир қалъа...	178,5
1330/1912	1610	Кўкчака, Ёрмиш, Тошқовуз...	124,75
1335/1917	500	Манок, Шоҳобод, Тукманғит...	56
Жами	13063,5		12619,5

³⁶ Савдо расталари ёки дўконлари жойлашган ер майдони ушбу мадраса ихтиёрида бўлиб, мазкур мулкдан фойдаланилгани учун (бозор) жой ижараси ундирилган. Айрим Хива ҳужжатларида мазкур ибора тағиёжой шаклида ҳам учрайди. (Қаранг: И в а н о в П.П. Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. Ленинград, 1940. С. 138.)

Вақфнома тахлилига кўра, воқифлар томонидан таъсис этилган ерлар умумий миқдори 37476,125 *таноб*ни, бозор вақфи ижараси ҳисобидан йиллар давомида сотиб олинган ерлар эса 12619,5 *таноб*ни ташкил этгани ҳолда вақф муассасаси ихтиёрида 1917 йил ҳолатига кўра жами 50095,625 *таноб* ер мавжуд бўлган. Хонликнинг турли ҳудудларида жойлашган мазкур вақф мулкларини бошқариш, назорат қилиш ва улар даромадларининг ўз вақтида етказилишини таъминлаш муҳим ва шу билан бирга мураккаб вазифалардан ҳисобланган. Вақфнома таркибида келган, 1326/1908 йилда расмийлаштирилган вақф ҳужжатида Раҳматуллоҳ қори ва унинг аёли Саодатжонбека 40 *тиллони* мадраса фойдасига вақф қилиб, мазкур маблағ назоратини мадраса вақфномасини сақлашга масъул мутавалли зиммасига юклайдилар. Мазкур жиҳат Муҳаммад Раҳимхон II мадрасаси маъмурий бошқарувида бир неча мутаваллилар фаолият кўрсатганига ишора қилади.

Мадраса вақф ҳужжатларида вақф қилинган ҳар бир ер мулки қандай шартлар ва ҳақ асосида ижарачиларга берилиши кераклиги ҳам қайд этилади. Хусусан, илк вақф ҳужжатида Шоҳобод мавзеида жойлашган вақф ерини ижарага олувчи шахс ҳар 10 *таноб* ернинг 2 *таноби*да ўз эҳтиёжи учун ҳовли, боғ барпо этиши ва ўз томорқаси учун беда экиб мазкур 2 *таноб* ердан ижара ҳақи тўламасдан фойдаланиши мумкинлиги белгиланади. Одатда, ижара ҳақи миқдорини аниқлашда ернинг жойлашган ўрни, сув билан таъминланганлик даражаси ва унумдорлиги каби жиҳатлар ҳисобга олинган. Вақфнома тахлили шуни кўрсатадики, муассаса вақф ерлари ижара ҳақи эса ҳар бир *таноб* учун 0,8–8 *ботмон* оралиғидаги ғалла³⁷ миқдорида белгиланган. Асосан, ғалланинг ярмини буғдой ва қолган қисмини эса жўхори ташкил этган. Ўз навбатида, ижара ҳақи фақатгина натура шаклида бўлмай, муайян пул миқдорида ҳам ўрнатилган. Хусусан, 1314/1896 йилда Янги қалъада жойлашган 9 *таноб* мадраса вақф ерининг ҳар 150 *газига* 1 *танга* ижара ҳақи тўланиши қайд этилган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Саййид Муҳаммад Раҳимхон мадраса вақф мулклари учун белгиланган ижара ҳақларини қорандалар томонидан Хива шаҳрига келтириб, мутаваллига топширишлари лозимлигини вақфномада алоҳида шарт сифатида ўрнатади.

Ислом ҳуқуқшунослиги, хусусан, Ҳанафия мазҳабига кўра вақф даромадлари ҳисобидан, биринчи навбатда, мазкур мулк вақф этилган муассаса эҳтиёжлари таъминланиши лозим. Мазкур шаръий тартибдан келиб чиқиб, Саййид Муҳаммад Раҳимхон илк вақф ҳужжатида қайд этилган мулклардан келган даромад, аввало, мадраса қурилиш-таъмирлаш ишларига эҳтиёж сезилса шу мақсадга сарфланиши кераклигини асосий шарт сифатида ўрнатади. Шундан кейингина олинаниган фойда мадраса ходимлари ўртасида қуйидагича тақсимланиши белгиланади:

3-жадвал

Мадраса ходимларининг йиллик даромадлари

Лавозим	Йиллик даромад (<i>фои</i> з ёки <i>ботмон</i> ҳисобида)
Мутавалли	10%
Мударрис	20%

³⁷ Умумий маънода донли экинлар назарда тутилади.

Лавозим	Йиллик даромад (фонз ёки ботмон хисобида)
Имом	7,5%
Муаззин	2,5%
Фаррош	100 ботмон
Саргарош	100 ботмон
Қудуқчи	50 ботмон

Мадраса вақф даромадларининг қолган қисми мажмуа таркибидаги масжид эҳтиёжларига, хусусан, бўйра ва жойнамоз, чироқ ёғи билан боғлиқ харажатларга сарфланган. Бундан ташқари, ҳар йили рамазон ойида масжидда хатм ташкил этиш ва унинг якунида мударрис, қориларга иззат-икром кўрсатиб, тақдирлаш ҳамда маросимни ўтказиш билан боғлиқ бошқа сарф-харажатлар учун ҳам маблағ ажратилган. Шундан кейингина вақф маъмурияти ихтиёрида қолган даромад талабалар ўртасида даражасига қараб тақсимланган. Аммо ҳар бир босқич талабалари учун берилиши лозим бўлган муайян ўрнатилган маблағ миқдори вақфномада акс этмаган.

Саййид Муҳаммад Раҳимхон ва воқифлар томонидан таъсис этилган кейинги вақф ҳужжатларида вақф қилинган мулклар даромади юқорида қайд этилган тартибда тақсимланиши кераклиги асосий шарт сифатида акс этади. 1888 йилдаги вақф ҳужжатида сарой амалдорлари – Иброҳимхўжа, Муҳаммад Яъқуб девонбеги ва Паҳлавонниёз мирзабоши вақф даромадларидан фаррошга – 5 ботмон ва саргарошга – 7,5 ботмон ғалла берилгани ҳолда, қолган даромад тақсимоти илк вақф ҳужжати шартларидан келиб чиқиши белгиланади.

Муҳаммад Раҳимхон II вафотидан кейин мадраса вақф хўжалиги ҳолати ва фаолияти ҳақида Асфандиёрхон (1910–1918) ҳукмронлиги даврида тузилган реестрлар, яъни вақф дафтарлари қайдларида маълумотларни учратиш мумкин. Унга кўра, муассаса ихтиёрида бу даврга келиб жами ер фонди 38987 *таноб* бўлган, шундан 6332 *танобни аҳё* ерлар ташкил этган. *Аҳё* ерларидан жами 8780,5 *ботмон* 40 *агри* ғалла йиллик даромад олинган. *Адро* ерлардан чорва моллари боқилгани учун ҳақ олинган ва у «чўп пули» деб номланган³⁸. Айрим вақф хўжаликлари қўл остидаги *адро* ерлар фойдаланилмаганлиги боис, ҳеч қандай фойда келтирмаган. Шу маънода, Феруз мадрасасининг «чўп пули» олинадиган *адро* ерлари 16155,5 *таноб* 20 *агри* ни ташкил этиб, улардан 1980 *тилло* даромад олинган. Қолган фойда келтирмайдиган *адро* ерлари 16499 *таноб* 10 *сари* 60 *агри* эканлиги келтирилган. Шунингдек, мадраса захирасида бозор вақфи ижарасидан 4000 *тилло* ва вақф мулкларидан 10000 *ботмон* ғалла мавжудлиги қайд этилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Саййид Муҳаммад Раҳимхоннинг бевосита хомийлиги остида бино қилинган мадраса ўзи суянган маъмурий бошқарув тизими ёрдамида самарали фаолият кўрсатиб келди.

³⁸ Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Составлено капитаном Гиршфельдом. Переработано начальником Амударьинского отдела генерал-майором Галкиным. Часть 2. Ташкент, 1903. С. 33.

Ўтган давр мобайнида мадраса мажмуаси кенгайиб, муассаса ходимлари сони ошиб борди ҳамда кўплаб янги вақф мулклари таъсис этилди. Натижада, мазкур мадраса ихтиёридаги вақф мулклари ва улар даромади жиҳатидан XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигидаги энг йирик вақф муассасасига айланди.

Қ. ЯКУБОВ

**МУҲАММАД РАҲИМХОН II МАДРАСАСИ ВАҚФ ХЎЖАЛИГИ:
МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВИ, ТУЗИЛИШИ ВА ИҚТИСОДИ**

Мақола Хива хони Саййид Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси қурилиши ва унинг вақф хўжалиги тарихига бағишланади. Муаллиф мадраса вақфномаси ва янги аниқланган архив ҳужжатлари асосида мазкур вақф муассасаси маъмурий бошқарувининг ташкил этилиши, вақф мулклари турлари ва улардан фойдаланиш тартиби, даромадлар тақсимооти каби масалаларга эътибор қаратади. Мазкур жиҳатлар орқали мадраса вақф хўжалигининг амалий фаолияти ёритилади.

Калит сўзлар: Хива хонлиги, Муҳаммад Раҳимхон II мадрасаси, вақф хўжалиги, вақфнома, мадраса ходимлари, вақф мулклари, ижара шартлари.

Қ. ЯКУБОВ

**К ИСТОРИИ ВАКУФНОГО ХОЗЯЙСТВА МЕДРЕСЕ
МУҲАММАД РАҲИМХАНА II:
АДМИНИСТРАЦИЯ, СТРУКТУРА И ЭКОНОМИКА**

Статья посвящена истории строительства и вакуфного хозяйства медресе Хивинского хана Саййид Мухаммад Рахимхана. Автор рассматривает вопросы формирования административной системы, виды вакуфных имуществ и порядок их пользования, распределение вакуфных доходов на основе вақфнаме медресе и недавно обнаруженных архивных материалов. Анализируя упомянутые аспекты, освещается практическая деятельность вакуфного хозяйства медресе.

Q. YAKUBOV

**WAQF ECONOMY OF MADRASA OF MUHAMMAD RAHIMKHAN II:
ADMINISTRATION, STRUCTURE AND ECONOMY**

The article is devoted to the history of construction and waqf economy of madrasa of Khivian Khan Sayyid Muhammad Rahimkhan. The author examines issues such as the formation of administrative system, types of waqf properties and their utilization procedure, the distribution of waqf revenues of the *waqf* foundation on the basis of madrasa's *waqfnāma* and recently found archival sources. There has been illustrated practical activity of waqf economy of madrasa by analyzing these aspects.

Т. ПОНОМАРЕВА

ТОРГОВАЯ ПОЛИТИКА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ В СРЕДНЕАЗИАТСКИХ ХАНСТВАХ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА

Взаимоотношения России с государствами Центральной Азии имеют многовековую историю, различаясь на определенных исторических этапах содержанием и степенью интенсивности. Отношения между Российской империей и тремя крупными государственными образованиями Центральноазиатского региона — Бухарским эмиратом, Хивинским и Кокандским ханствами вплоть до конца XVIII в. носили нерегулярный характер, сводясь к эпизодическому обмену дипломатическими и торговыми миссиями. Торговое проникновение России в регион началось в первой половине XVIII в. с разрешения царским правительством вывоза в Среднюю Азию и Казахстан золотых и серебряных монет российскими торговцами, а также железа и зерна. Особую роль в укреплении торгово-экономических, как и в целом дипломатических отношений Российской империи со среднеазиатскими ханствами, сыграло основание в 30-е годы XVIII в. г. Оренбурга, а также становление российского мануфактурного производства и формирование общероссийского торгового рынка. Вместе с тем незавершенный промышленный переворот обрекал страну на растущее отставание от промышленно развитых европейских стран. В условиях неконкурентоспособности российских товаров в промышленно развитой Европе крупнейшие российские торгово-промышленные объединения обратили свой взор на рынки менее экономически развитых государств — Средней Азии и Казахстана. Россия была заинтересована в установлении отношений с менее экономически развитыми странами Центральноазиатского региона. Завершив экономическое освоение Поволжья и Сибири, Царская Россия устремилась к развитию трансевразийской торговли через Центральную Азию и обретению прямого выхода на рынки Ирана, Афганистана, Индии и Китая. Российские власти различными экономическими мерами поощряли оседание российских купцов в крупнейших городах среднеазиатских ханств. Этому способствовало создание в 1819 г. в Петербурге межведомственного Азиатского комитета, подчинявшегося императору¹.

Существенным фактором, определившим пересмотр российским правительством своего отношения к среднеазиатским ханствам, явилось торгово-политическое проникновение в регион Великобритании, вызванное ее неудачной политикой на Балканах и прекращением в 1833 г. торговой деятельности Ост-Индской компании. Интерес России к усилению своего присутствия в регионе усилился после поражения империи в Крымской войне (1853–1856 гг.), приведшего к дипломатической изоляции.

¹ История Востока. В 6-ти томах. М.: Вост. лит., 1995. Т. 4. Восток в новое время (конец XVIII — начало XX). Кн. 1. 2004. С. 160.

В эпоху Александра II главными приоритетами среднеазиатской политики нового министра иностранных дел А.М. Горчакова стали безопасность границ и благоприятный режим торговли. Территориальная экспансия на Восток отвечала призыву Горчакова о необходимости России «сосредоточиться в себе». Важная роль отводилась налаживанию торгово-экономических отношений с Бухарским эмиратом, Кокандским и Хивинскими ханствами. В Министерстве иностранных дел считали: «торговля есть основной клапан всей нашей политики в Средней Азии»². В Российской империи после крепостного права в 1861 г. экономической составляющей являлось развитие ускоренными темпами капитализма. Кроме того, российская текстильная промышленность — локомотив капиталистического развития России зависела от поставок американского хлопка, что в условиях происходившей в США гражданской войны 1861—1865 гг. было крайне затруднено и непредсказуемо. Все это предопределило такое парадоксальное положение, при котором, с одной стороны, расширялась военно-политическая экспансия России в Центральную Азию, а с другой — все больше увеличивался торговый оборот между ними³. В итоге важнейшим средством распространения влияния Российской империи на среднеазиатские ханства во II половине XIX в., помимо начавшейся военной кампании по завоеванию края, явилась активная торговая политика, имевшая целью проникновение и утверждение влияния русского капитала в среднеазиатские пределы, т. е. упрочение здесь российского влияния вообще.

В докладе канцелярии Туркестанского генерал-губернатора от 29 декабря 1867 г. прямо подчеркивалось не только о необходимости проникновения русских товаров на азиатский материк⁴, но и об осознании российским купечеством благоприятной почвы в Средней Азии для установления коммерческих отношений с самыми отдаленными регионами края. Наряду с этим поднимался вопрос о безопасности российской купеческой торговли и ее административном регулировании.

Высказывалось опасение, что администрация края в указанных целях лишит купцов самостоятельного выбора места торговли, тем самым сузит круг русской коммерческой деятельности до торговли с пограничными пунктами соседних ханств, поставив русскую торговлю в самые невыгодные условия. Купечество понимало, что административная опека даже из самых лучших побуждений может перейти в тягчайшую для него регламентацию, парализующую ту энергию и самостоятельность, которые так необходимы для коммерческих предприятий. Купцы также осознавали, что решения администрации органов края, имея политическую подоплеку, могли быть неадекватными и наносить экономический урон их интересам. Подтверждением этого служит предоставление генерал-губернатору Туркестанского края «права направлять

² История России XVIII—XIX веков. М.: Эксмо, 2006. С. 700.

³ Исхаков Ф. Центральная Азия и Россия в XVIII — начале XX века. Ташкент, 2009. С. 54.

⁴ ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 32, д. 367, л. 2.

внешнюю дипломатическую и военную деятельность к обеспечению русской торговли в Средней Азии и согласовывать интересы нашего (русского — *Т. П.*) купечества с высшими политическими соображениями»⁵.

Однако в докладе в целях активизации российской торгово-предпринимательской деятельности в крае предлагалось объявить как русским купцам, так и сартам и доверенным купеческих домов, имеющим конторы в Туркестане, что они могут отправлять свои караваны в любое место без ограничений со стороны администрации края.

Между тем, купец либо его доверенное лицо должен был объявить областному правлению куда отправляется его караван, с каким товаром, в каком количестве и на какую сумму товара. Причем купец или главный приказчик, состоящий при караване, обязан был получить законный заграничный паспорт.

В докладе наряду с этим оговаривалось, что купцы могут получать из канцелярии Туркестанского генерал-губернатора письма на имя властных структур той станы, куда направляется караван, а наиболее предприимчивые купцы перед отправлением каравана за границу — необходимые разъяснения о политическом положении страны, в которую направляется товар, и другую интересующую их информацию⁶.

Озвученные в докладе предложения были одобрены Туркестанским генерал-губернатором фон Кауфманом и рекомендованы к исполнению.

В 1868 г. военным губернаторам областей, городничему русской части города Ташкента и Управлению туземным населением Ташкентского района были переданы распоряжения о сборе сведений по развитию торговли на сопредельных с Туркестанским краем территориях по следующим пунктам:

«1) О купцах и доверенных от них приказчиков, русских и туземцев, снаряжавших торговые караваны и получивших заграничные паспорта для их сопровождения.

2) О местах, куда караваны были направлены.

3) О товарах караванов, заключающихся из количества и стоимости»⁷.

Между тем эти распоряжения не были реализованы. Туркестанские власти только в 1879 г. вновь вернулись к этому вопросу. Возможно, это объясняется решением проблемы распространения российского влияния на сопредельные государства не экономическими, а политическими средствами. Завоевание Российской империей Коканда и установление российского протектората над Бухарой предрешили судьбу Хивинского ханства, чьи отряды совершали постоянные нападения на торговые караваны. В 1869 г. генералом Н.Г. Столетовым был заложен город Красноводск, откуда в 1873 г. российские войска начали наступление на Хиву. Хивинский хан Саид Мухаммад Рахим Бахадур вынужден был признать вассальную зависимость от России. Согласно условиям российского протектората территория Хивинского ханства была значительно урезана. Внеш-

⁵ ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 32, д. 367, л. 4.

⁶ Там же, л. 5.

⁷ ЦГА РУз, ф. И-36, оп. 1, д. 1707, л. 2–3.

ние сношения и таможня перешли под контроль российских чиновников. Русские получили право свободной торговли и свободного плавания по Амударье. Российские власти объявили о ликвидации рабства и работорговли, освободив до 40 тыс. невольников⁸.

В годы активных военных действий не уделялось должного внимания составлению статистических сведений, достоверно отражающих развитие российской торговли в крае и ее потребности. В связи с этим туркестанские власти рекомендовали купцам составить сводную ведомость о торговле за истекшие 10 лет — с 1868 по 1879 г., а в последующем ежегодно представлять такие сведения в канцелярию Туркестанского генерал-губернатора не позже 15 января наступающего года. Однако ведомость «О товарах, отправленных из Ташкента за границу в сопредельных нам ханствах за 1868—1878 гг.» в действительности содержала сведения по 1874 г., так как с упразднением с 1 января 1875 г.⁹ закатного управления в г. Ташкенте купцам стало необязательным подавать такие объявления.

Анализ содержавшихся в ведомости сведений дает основание сформулировать следующие выводы:

1) В основном товары из Ташкента как центра Туркестанского края вывозились в Коканд и Бухару, лишь единожды — в 1873 г. был отправлен торговый караван в Хиву с товарами на сумму в 14,807 российских рублей.

2) Среди товаров, вывозимых в Коканд и Бухару как русскими, так и местными ташкентскими купцами, преобладала мануфактура.

3) Среди вывозимого разного товара преобладали чай (различных сортов и видов), сахар, конфеты, писчая бумага, кораллы, сандал.

4) Особо крупных размеров достигали торговые обороты Ташкента с Кокандом.

Ташкент, население которого к концу XIX в. составило 155,7 тыс. человек, и другие крупные города бывшего Кокандского ханства были включены во всероссийскую транспортную сеть. В 1899 г. была открыта Закаспийская железная дорога, соединившая Красноводск с Ашгабатом, а в 1906 г. — Оренбургская между Оренбургом и Ташкентом. Закаспийская железная дорога явилась первым звеном, которое соединило Туркестан с российским рынком и приобщило его к товарному обращению, превратив во внутренний рынок Российской империи.

Убедительным примером служат следующие данные. В 1883 г. из Закаспийской области было вывезено товаров на сумму 465 тыс. руб. и ввезено на 1 млн 107 тыс. 121 руб. В 1889 г., через три года после постройки железной дороги, из Закаспийской области вывезено товаров на 3 млн 600 тыс. руб. и ввезено на сумму около 6 млн руб.¹⁰.

⁸ История России XVIII—XIX веков ... С. 701.

⁹ ЦГА РУз, ф. И-36, оп. 1, д. 1707, л. 18.

¹⁰ Аминов А.М. Экономическое развитие Средней Азии (во второй половине XIX столетия до Первой мировой войны). Ташкент: Госиздат, 1959. С. 147.

Строительство Закаспийской железной дороги сыграло огромную роль в усилении торговых взаимоотношений России с Бухарой. Укрепление экономических связей с Россией явилось существенным стимулом для развития в Бухарском эмирате хлопководства, хлопкоочистительного, маслобойного и ткацкого производств. В 1887 г. ввоз товаров из Бухары вырос более чем в 4 раза. Бухара славилась по всему мусульманскому Востоку своими хлопчатобумажными и шелковыми тканями, а также предметами металлообработки. Текстильное производство и шелкопрядение являлись ведущими отраслями ремесленного производства Бухары. Железные дороги способствовали обеспечению Туркестанского края продовольственными товарами. Туркестан, сельское хозяйство которого было ориентировано преимущественно на развитие хлопководства, что повышало его промышленное значение, становился зависимым от рынков продовольственных и промышленных товаров России. Рост спроса российской промышленности на хлопок способствовал и росту цен на него. Если до начала продвижения российских войск в Среднюю Азию цена пуда хлопка равнялась 2 руб. 50 коп., то уже в 1870 г. она поднялась до 5–6 руб.¹¹.

Бухаре принадлежало второе место по производству хлопка после Ферганы. В Хивинском ханстве в 1896–1898 гг. под хлопком было занято 9,1 % всех пашен, то есть около 29,530 дес., из ханства вывозилось за эти же годы примерно 252,500 пудов хлопка-волокна и оставалось в оазисе около 82 тыс. пудов¹². Усилия царского правительства в среднеазиатских ханствах были направлены к тому, чтобы любым путем расширить посевы хлопчатника, увеличить производство хлопка для развивающейся текстильной промышленности России.

Важной статьей вывоза в Россию из среднеазиатских ханств являлась продукция шелководства. Так, например в 1891 г. в Россию был вывезен 991 пуд шелка-сырца на сумму 198,200 руб.¹³.

Главным предметом ввоза из России в среднеазиатские ханства были фабричные хлопчатобумажные ткани. Ввоз текстильных изделий в Бухару составлял 59 % всего ввоза из России¹⁴. Значительное место в ввозе занимали сахар, металл, металлические изделия, из которых изготавливали орудия труда, оружие, различную металлическую утварь. В том же 1891 г. в Туркестанский край было ввезено: 5,449 пудов сахара на сумму 40,927 руб.; чугуна — 138,908 пудов на сумму 242,705 руб.; железа — 37,596 пудов на сумму 98,943 руб.; стали — 4,476 пудов на сумму 10,592 руб.; железных и стальных изделий — 28,488 пудов на сумму 183,145 руб.¹⁵. Из России ввозились также фарфоровая посуда, кожа, сундуки, лесные материалы, спирт, табак, аптекарские товары. Так,

¹¹ История Востока. В 6-ти томах. Т. 4. М.: Вост. лит., 1995. Восток в новое время (конец XVIII — начало XX). Кн. 2. С. 94.

¹² Г и р ш ф е л ь д (сост.) Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Ч. 1. Ташкент, 1902. Ч. 2. 1903. С. 163.

¹³ ЦГА РУз, ф. И-3, оп. 1, д. 47, л. 8.

¹⁴ История Бухары с древнейших времен до наших дней. Ташкент: Фан, 1976. С. 168.

¹⁵ ЦГА РУз, ф. И-3, оп. 1, д. 47, л. 8.

последних все в том же 1891 г. в Туркестанский край было завезено 8,173 пуда на сумму 163,916 руб.¹⁶

С ростом торговли с Россией в ханствах возрастает число караван-сараев для русских купцов и торговых фирм. Отдельные фирмы, в частности, фирма московского фабриканта Эмиля Цинделя имела в Бухаре свой собственный караван-сарай. В Хиве и Бухаре открываются представительства таких фирм, как «Товарищество Большой Ярославской Мануфактуры», «Московское торгово-промышленное товарищество», «Бр. Крафт», «Бр. Шлосберг», «Р. Майр-корт», «Товарищество Шуйской мануфактуры» и многие другие. Эти торговые и транспортные фирмы вместе с занятием торговлей и заготовкой сырья занимались также мелким кредитованием, успешно конкурируя с открывшимися несколько позднее отделениями Государственного и частных банков (Русско-Азиатский, Соединенный, Московский учетный, Русский для внешней торговли и др.).

В целях монопольного владения среднеазиатским рынком российские купцы стремились вытеснить из Бухары иностранные товары, в первую очередь, английские, устанавливая несоразмерно низкие цены на свои мануфактурные товары. В 1881 г. Россия запретила ввоз в Бухару европейских товаров, за исключением индийского чая, английской кисеи и краски индиго¹⁷. Разрешенные к ввозу товары облагались высокой ввозной пошлиной. Чтобы окончательно вытеснить английские товары, русские фабриканты стали осваивать выпуск кисеи, которая шла на чалму и ранее в России не вырабатывалась. Вследствие поощрительных мер Санкт-Петербурга возрос вывоз из Бухары и Хивы в Россию хлопка, каракуля, шерсти, шелка-сырца и прочих сырьевых, а также продовольственных товаров.

В 1894 г.¹⁸ Санкт-Петербург существенно ограничил право Бухары вести самостоятельную внешнюю торговлю, включив Бухарский эмират наряду с Хивой в общероссийскую таможенную систему. Российская империя последовательно и настойчиво проводила политику активизации своего торгового присутствия в среднеазиатских ханствах, используя ее как действенный инструмент усиления здесь своего политического влияния.

Обобщая анализ, отметим, что для торговой политики Российской империи было характерно следующее:

— проявление Российской империей с начала XVIII в. заинтересованности в установлении более прочных и разносторонних отношений со среднеазиатскими ханствами, что характеризует этот период как начало торгово-экономического проникновения России в Среднюю Азию;

— активизация среднеазиатского направления внешнеполитического курса Российской империи во второй половине XIX в., обусловленная рядом причин

¹⁶ ЦГА РУз, ф. И-3, оп. 1, д. 47, л. 8.

¹⁷ История Востока. В 6-ти томах. ... Т. 4. Восток в новое время (конец XVIII – начало XX). Кн. 2 ... С. 93.

¹⁸ История Бухары с древнейших времен до наших дней. ... С. 170.

экономического и политического характера, в числе которых — становление и развитие в России передовых капиталистических отношений и попытки исключить торгово-политическое проникновение Великобритании в регион;

— содействие администрации края в лице Туркестанского генерал-губернатора и губернаторов областей коммерческим предприятиям российского купечества;

— ввоз российскими купцами на среднеазиатские рынки хлопчатобумажных тканей, выделанной кожи, сахара, табака и металлических изделий, пользующихся особым спросом, вывоз в Россию шерсти, хлопка, шелка-сырца, каракуля, плодоовощной продукции;

— рост с развитием тесных торговых связей экономической зависимости хозяйств среднеазиатских ханств от российского рынка;

— торговые связи народов Центральной Азии в 70–90-е годы XIX в., определяющиеся уже развитием товарооборота с капиталистической Россией;

— заинтересованность среднеазиатскими ханствами со стороны Российской империи как источников сырья и рынка сбыта российских промышленных товаров;

— активизация в среднеазиатских ханствах развития товарно-денежных отношений и начало зарождения капиталистического уклада.

Приложение

Итоговая стоимость в рублевом исчислении товаров,
отправленных из Ташкента в среднеазиатские ханства¹⁹

Год	Ману-фактура, руб./коп.	Разного товара, руб./коп.	Всего, руб.	Коканд	Бухара	Хива
1868	87 500	12 500	100 000	В основном		
1869	475 965	69 036 р. 80 коп.	545 001 р. 80 коп.	433 723 р. 30 коп.	111 278 р.	
1870	636 852	25 932	662, 84 р. 72 коп.	603 840 р. 72 коп.	58 944	
1871	346 571	30 410 р. 25 коп.	376 981 р. 25 коп.	59 364	317 617 р. 25 коп.	
1872	634 560 р. 98,5 коп.	117 962 р. 52 коп.	772 523 р. 50,5 коп.	433 552 р. 50,5 коп.	38 971	
1873	858 174 р. 65 коп.	288 354 р. 81 коп.	1 146 529 р. 46 коп.	1 123 383 р. 96 коп.	8 339 р. 20 коп.	14 807
1874	555 467 р. 70 коп.	85 067 р. 70 коп.	650 534 р. 70 коп.	631 914 р. 70 коп.	18 620	

¹⁹ ЦГА РУз, ф. И-36, оп. 1, д. 1707, л. 5, 8, 11, 13, 15, 16, 18.

Т. ПОНОМАРЕВА

**ТОРГОВАЯ ПОЛИТИКА РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ
В СРЕДНЕАЗИАТСКИХ ХАНСТВАХ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА**

Статья посвящена торгово-колониальной политике Российской империи в среднеазиатских ханствах во II половине XIX века. Раскрывается значение среднеазиатского рынка для России как источника сырья и рынка сбыта ее промышленной продукции.

Ключевые слова: Российская империя, Туркестанский край, торговая политика, фритредерство, протекционизм, колония, монополия, мануфактура, караван-сарай, сарты.

Т. ПОНОМАРЁВА

**РОССИЯ ИМПЕРИЯСИНИНГ XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА
ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИДАГИ САВДО-СОТИҚ СИЁСАТИ**

Мақолада, Россия империясининг XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осие хонликларидаги савдо-сотиқ сиёсати еритилган. Муллик Ўрта Осие бозорларининг Россия хомаше ва саноат маҳсулотларини сотиш бозори сифатидаги аҳамиятини очиб берган.

Т. PONOMARYOVA

**TRADE POLITICS OF RUSSIAN EMPIRE WITH KHANATES
IN MIDDLE ASIA AT THE SECOND PART OF THE 19th CENTURY**

This article presents the information about trade and colonial politics of Russian Empire in khanates in Central Asia at the second part of the 19th century. In the article we can observe the contribution of Central Asian market for Russia as a source of raw materials and as a distribution of it's production.

ТАРИХШУНОСЛИК

А. ШАЙДУЛЛАЕВ

ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ГЛИПТИКАСИНИНГ
ТАРИХШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Қадимги Шарқ халқлари санъати, мифологик дунёқарашлари тарихини ўрганишда глиптиканинг ўрни беқиёсдир¹. Уларда табиат, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ва айниқса, инсонлар образини тасвирлаш кенг тарқалган бўлиб, кўпроқ илоҳийлашган ҳолатда, афсонавий саҳналар, жумладан, «инсонлар ҳайвонот дунёси ҳукмдори», «инсонлар дунё ҳукмдори», «илоҳий никоҳ», «илоҳлар жанги», «зиккурат қурилиши» каби мавзуларда ёки миксоморф тасвирда, экзотик одамлар ҳолатларида ифодаланган².

Қадимги Шарқ глиптикаси Месопотамия, Қадимги Ҳиндистон, Сурия, Хетт, Бобил, Миср ва Элам каби марказларга бўлинади³. Албатта, ҳар бир мактабнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жумладан, Месопотамия учун цилиндр шакли муҳрлар хос бўлиб, уларда худолар, экзотик одамлар чизилган, муҳрларда ифодаланган тасвирлар ёзма манбалар асосида ўз тасдиғини топиб, қадимги Шумер халқлари мифологиясини, фалсафий қарашларини яратишда энг муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда⁴. Хараппа маданияти глиптикасининг характерли жиҳати квадрат шакли муҳрларда қадимги ҳинд пиктографияси билан уйғунлашган ҳолда тасвирланишидир⁵. Сурия ва хеттлар глиптикасида эса кўпроқ қанотли одамлар чизилган⁶. Қадимги Шарқ халқлари глиптикаси ривожланишининг энг муҳим жиҳати шундаки, улар бир-бирига маданий таъсир ҳам кўрсатган.

¹ Глиптика (юнонча «glypho» — кесаман) — қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо тошларга нақш ёки тасвир ўйиш санъати. Глиптика асари — геммалар қадимдан муҳр, тумор ва тақинчоқ вазифасини ўтаган. Мил. ав. IV минг йилликда Месопотамия, Миср, Фарбий Осиёда вужудга келган, Юнонистон ва Римда юксак тараққий этган. Глиптика тасвирлари ихчам композиция билан ажралиб туради... (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-том. 28-б.).

² Amiet P. Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972; Porada E. Seals and Related from Early Mesopotamia and Iran // Early Mesopotamia and Iran: Contact and conflict 3500–1600 B.C. L., 1994. P. 46; Амъе П. Богини и царицы Элама // ВДИ. 1997. Вып. 1. С. 97; Франкфор Г., Франкфор Г.А., Уилсон Дж., Якобсен Т. В преддверии философии. М., 1984.

³ Baghestani Suzanne. Metallene Compartimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China. Archaologie in Iran und Turan. Band 1. Leidorf, 1997. P.3–8.

⁴ Parrot A. Sumer.P.-L., 1960; Gelb I.J. Typology of Mesopotamian Seal Inscription // BM. 1977. 6. P. 107; Franke J.C. Presentation Seals of the Ur III. Isen – Larsa Period // BM. 6. P. 61–66.

⁵ Franke–Vogt Y. The «Ealy Period» at Mohenjo-Daro // From Sumer to Meluhha: Contributions to the Archaeology of South and West in Memory of George F. Madison, 1994.

⁶ Gibson M. Seals and Sealing in the Ancient Near East. Summation // BM. 1977. 6. P. 147; Amiet P. Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972; Lambert-Karlovsky C.C. Third Millinium Modes of Exchange and Modes of Production // Ancient Civilization and Trade. Albuquerque, 1975. P. 362.

Сўнги йилларда Ўрта Осиё археологиясида глиптиканинг янги, Бактрия—Маргиёна варианты ҳам пайдо бўлди. Унинг пайдо бўлишида юқорида эслаб ўтилган цивилизация марказларининг, хусусан, Хараппа, Сурия-Хетт, айниқса, Элам глиптикасининг маданий таъсири тўғрисида кўплаб ёзилмоқда⁷.

Бактрия—Маргиёна глиптикасининг фанга киритилиши ва ўрганилиши узоқ тарихга эга бўлмаса-да, уни икки даврга бўлиш мумкин. Биринчиси — глиптика бўйича манбаларнинг тўпланиши, иккинчиси эса мавзунинг халқаро доирада муҳокамаси билан изоҳланади.

Биринчи давр ўтган асрнинг 70—80-йилларини ўз ичига олиб, глиптика бўйича манбаларнинг йиғилиши ва глиптикага оид тасвирлар ифодаланган муҳрларнинг вазифалари хусусида илмий баҳсларнинг ортиб бориши, муҳрларнинг хронологик даврини аниқлаш, тарқалиш географиясини белгилаш бўйича маълумотлар ва билимларнинг тўпланиши билан ажралиб туради⁸. Бу давр Жанубий Туркменистон ҳудудида, Копетдоғ ёнбағирлари бўйлаб жойлашган Геоксур, Анов, Номозгоҳ, Олтинтепа каби энеолит ва илк бронза даврига оид ёдгорликлардан муҳрларнинг топилишидан бошланади⁹. Улар металл (мис, бронза, кумуш), тош ва сополдан ясалган бўлиб, юзасида зооморф ва геометрик белгилар чизилган¹⁰. В.М. Массон муҳрларда тасвирланган хоч, эчки тасвирларини энеолит даври сополларидаги ифодалар билан таққослайди ва маҳаллий анъаналар асосида ясалганлигини таъкидлайди¹¹. В.И. Сарияниди энеолит даврига оид Геоксур типига сопол ва муҳрларни Эрон ёдгорликлари билан таққослайди ва энг яқин маданий алоқада бўлган маданиятлар сифатида эътироф этади¹².

Бактрия—Маргиёна глиптикаси бўйича энг катта манба В.И. Сарияниди томонидан Афғонистонда қўлга киритилган. Албатта, у ўтказган археологик тадқиқотлар натижасида, жумладан, бронза даврига оид Даштли 1 ва Даштли 3 ёдгорликларида ниҳоятда кам муҳрлар қайд этилган¹³. Аммо афғонистонликларнинг бронза даврининг фанга номаълум қабрларини қазishi натижасида топилган юзлаб муҳрлар В.И. Сариянидининг саъй-ҳаракатлари натижасида сақлаб қолинган ва фанга киритилган. Унинг «Қадимги Бактрия ва Маргиёнанинг муҳр ва туморлари» деб номланган асаридан нафақат Афғонистон бозорларида сотилган, балки шахсий коллекционерлар ва Европа музейларида сақланаётган

⁷ Сарияниди В.И. Сиро-Хеттское происхождение Бактрийско-Маргианской глиптики. ВДИ. М., 1, 1999 №1. С. 53; Winkelmann Sylvia. Intercultural Relations between Iran, the Murghabo-Bactrian Archaeological Complex (BMAC), Northwest India and Failaka in the Field of Seals. East and West. Vol. 50, 2000, P. 43–95; Salvatori S. Bactria and Margiana Seals. East and West. Vol. 50, 2000, P. 97–145.

⁸ Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока // СА. 1984. № 4. С. 26–34.

⁹ Массон В.М. Алтын-Депе // Тр. ЮТАКЭ. Л.: 1981. Т. XVIII. С. 88; Сарияниди В.И. Энеолитическое поселение Геоксюр (Результаты работ 1956–1957 гг. // Труды ЮТАКЭ, Ашхабад, 1960. Т. X. С. 34–48.

¹⁰ Массон В.М. Алтын-Депе // Тр. ЮТАКЭ. Л.: 1981. Т. XVIII. Табл. XVI, XVII.

¹¹ Массон В.М. Алтын-Депе ... С. 98.

¹² Энеолит СССР. М., 1982. С. 28–34.

¹³ Сарияниди В.И. Древние земледельцы Афганистана. М.: Наука, 1977. С. 86.

мухрлар ҳам жой олган. Каталог характеридаги ушбу асар қадимги шарқ глиптикаси бўйича атоқли олима Эдита Порада хотирасига бағишланган ва шу соҳа бўйича етук мутахассис, Бақтрия археологияси бўйича кўплаб гоёлар муаллифи Пьер Амьенинг сўз бошиси билан чоп этилган¹⁴.

Даштли ёдгорликлари билан бир вақтда Жанубий Ўзбекистон худудида Сополли, Жарқўтон, Молали, Бўстон каби бронза даври ёдгорликлари ўрганildi. Афғонистон мухрларидан фарқли ўлароқ бу ёдгорликларда мухр ва туморлар стратиграфик аниқлик билан фанда намоён бўлди¹⁵. Мухрлар А.А. Аскарлов ва унинг шогирдлари томонидан бирламчи типология ҳам қилинган. Унга кўра мухрларнинг қандай ашёдан ясалганлиги, шакли ва мухр юзасидаги тасвирларга умумий таъриф берилган, қиёслар келтирилган. Аммо глиптика йўналиши бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Шимолий Бақтрия ёдгорликлари маданий қатламларидан стратиграфик аниқликлар билан топилган мухрлар, Жанубий Бақтриянинг кўплаб ноилмий характеридаги мухр-тамғаларининг хронологик даврини ҳамда типларини аниқлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Х.-П. Франкфорнинг Афғонистондаги Шўртўқай ёдгорлигида олиб борган тадқиқотлари натижасида ҳам квадрат ва айлана шаклидаги мухрлар топилган бўлиб, уларда сигирларнинг тасвири билан бирга Хараппа маданияти пиктографияси ҳам туширилган¹⁶.

Сўнгги йилларда Ш.Б. Шайдуллаев, Дитрих Хуфф ва Кай Каниут бошлиқ Ўзбекистон—Германия археологик экспедицияларининг Жарқўтон ва Тиллабулоқ ёдгорликларида олиб борган илмий изланишлари натижасида топилган мухрлар ҳам Бақтрия—Марғиёна глиптикасини янги маълумотлар билан бойитди¹⁷.

Бақтрия—Марғиёна глиптикаси бўйича энг сўнгги маълумотлар Жанубий Туркменистоннинг Мурғоб ўлкаси ёдгорликларидан олинмоқда. Бу ерда жами 100 дан ортиқ бронза даври ёдгорликлари¹⁸ ва жуда кўплаб мухр-тамғалар топилган ҳамда сўнгги йилларда В.И. Сариянидининг бир қатор мақола ва моно-

¹⁴ Sarianidi V.I. Myths of ancient Bactria and Margiana on its seals and amulets. Moscow, 1998. P. 327.

¹⁵ Аскарлов А.А. Сапалитепа. Ташкент: «Фан», 1973; Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977. С. 209; Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан. Ташкент: Фан, 1983; Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Автореф. дис. д. ист. н. М., 1992; Шайдуллаев Ш.Б. Этапы возникновения и развития государственности на территории Узбекистана. Автореф. дисс. д. ист. н. Самарканд, ИА АН РУз. 2009.

¹⁶ Frangfort H.P. Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques. V. I. P. 321; II. P. 239. Paris: Boccard, 1989.

¹⁷ Dietrich Huff, Chakir Pidaev, Shapulat Shaydullaev. Uzbek-German archaeological researches in the Surkan Darya region // La Bactriane au carrefour des routes et des civilisations de l'Asie centrale. Paris, 2001; Kaniuth, Gruber, Kurbanaliev, Sachs, Shaydullaev, Makki, Biro. «Tilla Bulak 2009 Vorbericht zur dritten Kampagne» // AMIT. Berlin. Band 42. 2010.

¹⁸ Кошеленко Г.А., Губаев А.Г., Гаибов В.А., Вадер А.Н. Мервский оазис: динамика систем расселения и ирригация // ВДИ. М., 1994. № 4. Карты 1–4.

графияларида чоп этилди¹⁹. Ундан ташқари, Марғиёна глиптикаси алоҳида дисертация мавзуси сифатида тадқиқ этилмоқда²⁰.

Юқорида эслаб ўтганимиздек, Бақтрия—Марғиёна глиптикасини ўрганишнинг иккинчи даври унинг халқаро доирада муҳокама этилиши билан характерланади. Бунинг асосий сабабларидан бири глиптика санъати учун энг асосий манба бўлган муҳрларнинг тўлиқ нашр этилганлигидир. Иккинчидан, Бақтрия ва Марғиёна муҳрларининг турлари ва типлари ниҳоятда кўп, улардаги тасвирлар эса жуда бой ва ҳар хил мавзуларда ифодаланган. Бу ҳолат Қадимги Шарқ глиптикаси билан шуғулланаётган мутахассисларнинг эътиборини тортмоқда. Учинчидан, Бақтрия—Марғиёна глиптикасининг шаклланиши ва ривожланишида Қадимги Шарқ глиптика марказларининг маданий таъсири каттадир. Шарқ халқларининг маданий алоқалари ёки миграцияси масаласига айнан Бақтрия ва Марғиёна глиптикаси жавоб беришини мутахассислар аллақачон англаб етишган ва ўз эътиборларини қаратишган. Тўртинчидан, Бақтрия муҳрларининг хилма-хиллиги ва уларда ифодаланган тасвирларнинг бойлиги фанда бу юртга нисбатан маданиятлар «койне»си деган фикрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди ва санъатшуносларнинг эътиборини янада тортди, ҳаттоки, Қадимги Шарқ халқларининг миграцияси муаммоларини ва цивилизациясининг инқирози масалаларини ҳам Бақтриядан изловчи тадқиқотчилар пайдо бўлди²¹.

Чет эллик олимларнинг бу соҳадаги илмий тадқиқотларини бир қатор йўналишларга бўлиш мумкин. Албатта, энг кўп тортишувларга сабаб бўлаётгани Бақтрия—Марғиёна глиптикасининг хронологияси масаласидир²². Муаммонинг энг нозик томони шундаки, Ўрта Осиё ва чет эллик археологлар ўртасида бронза даври маданиятлари хронологияси масаласида келишмовчиликлар бор. Жумладан, Сополли маданиятининг бошланиш даврини А.А. Асқаров ва унинг шогирдлари мил. ав. XIX аср билан ёшлаган бўлса, чет эллик олимлар III минг йилликнинг охириги чораги билан даврлаштирадидилар²³. Бу масала ёдгорликларда

¹⁹ Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат, 2002. 279 с.; Sarianidi V.I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L. New York, 1981, P. 221–225; Сарияниди Виктор. Задолго до Заратуштры. М., 2010. 168 с.

²⁰ Клочков И.С. Глиптика Маргианы (Принципы описания и классификации) // ВДИ, 1997. №. 1. С. 103–121.

²¹ Amiet P. Elam and Baktria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. Roma-Venezia, 1989.

²² Salvatori S. Protohistoric Margiana: on a Recent Contribution. (Review of: «IASCCA. Information Bulletin», 19, Moscow 1993 // Revista di Archeologia. Venice, 1995. Anno XIX: P. 38–54.

²³ Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана ... С. 89–101; Асқаров А.А, Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... С. 91; Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы ... С. 21; Асқаров А.А, Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... С. 81–92; Kohl Ph.L. Central Asia. Palaeolithic Beginnings to Early Iron Age. Paris, 1984. P. 310; Kohl Ph.L. Central Asia (Western Turkestan): Neolithic to the Early Iron Age // Chronologies in Old World Archaeology. Ed. by Ehrich R.W. Chicago. Vol. I. P. 179–195; Vol. II: P. 154–162; Hiebert F.T. Chronology of Margiana and Radiocarbon Dates // Information Bulletin of IASCCA. Moscow, 1993, Issue 19. P. 136–148; Hiebert F.T. Origins of the Bronze Age Oasis Civilization in Central Asia // American School of Prehistorik Research Bulletin. 42. Cambridge, 1994. P. 89–95.

ўтказилаётган радиокарбон анализлар ва маданиятлараро тарқалган ашёвий манбалар асосида ўз ечимини топиб келмоқда. Италиялик профессор Сандро Салватори ўз тадқиқотларида Қадимги Шарқ марказлари муҳрлари ва уларда тасвирланган ифодалар билан Бақтрия—Марғиёна муҳрларини таққослаб, олинган маълумотларни Ур ёзма манбалари билан солиштириб масалага оидлик кiritди ва Бақтрия—Марғиёна глиптикаси Месопотамияда Урнинг III сулоласи, Фарбий Эронда Элам маданияти, Қадимги Ҳинд цивилизациялари билан бир вақтга тўғри келишини исботлаб берди²⁴.

Ўрта Осиё ва чет эл адабиётларида кенг муҳокама этилаётган масалалардан яна бири Бақтрия—Марғиёна муҳрларининг функцияси ва унда ифодаланган глиптик тасвирларнинг типологиясидир. Муаммонинг мураккаблиги шундаки, муҳрларнинг вазифаси масаласида тадқиқотчилар ҳозирги қадар ҳам аниқ бир фикрга келишгани йўқ. Айрим адабиётларда муҳр, иккинчисида тамга, яна бирида тумор, ҳаттоки, тугма деб ёзганлар ҳам бор²⁵.

Албатта, маданиятлараро тарқалган, ҳар бир цивилизация марказлари учун ўзига хос жиҳатлари бўлган, адабиётларда муҳр деб аталиб келинаётган, Қадимги Шарқ дунёсида энеолит давридан бошлаб маълум бўлган²⁶, глиптика учун бой манбалар чизилган ушбу археологик артефактнинг қадимги халқлар ҳаётида тутган ўрни, яъни вазифаси ҳақидаги баҳслар илмий адабиётларда кенг муҳокама этилмоқда. Ўрта Осиё археологиясининг етук мутахассисларидан бири И.Н. Хлопин муҳр атамасига таъриф бериб, унинг ижтимоий мазмунга ва тасдиқловчи восита эканлигига ишора қилади ҳамда адабиётларда муҳр деб аталиб келинаётган ушбу археологик артефактни шахсий мулкни белгиловчи индикатор — тамга ёки тумор вазифасини бажарганлигини эътироф этади²⁷.

В.М. Массон Олтинтепа муҳрларини Шаҳри-Сохта (Эрон) ёдгорлигидан топилган, лойга босилган буллалар билан таққослайди ва муҳр сифатида тан олади. У оила ёки жамоа ашёларини омборхоналарга солиб, муҳрлаб қўйган бўлиши мумкин деб ҳисоблайди ва ўзининг фикрларини Афғонистонда қайд этилган этнографик маълумотлар билан бойитади²⁸.

К. Ламберг-Карловски илк цивилизация марказларида кенг тарқалган ушбу археологик топилмалар бир-бирига яқин бўлган вазифани, яъни маҳсулот ўрамини муҳрлашда қўлланилган. Муҳрлар нафақат унинг эгасини, балки ватанини, келиб чиқишини ҳам кўрсатиб турган. Товарлар ўрамини очмасдан қайси савдогарга тегишли эканлигини, қаердан келаётганлигини ва қаерга жўнатиш керак-

²⁴ S alvatori S. Protohistoric Margiana: on a Recent Contribution // «IASCCA. Information Bulletin», 19. Moscow 1993 // Revista di Archeologia. Venice, 1995. Anno XIX. P. 38–54; К л о ч к о в И.С. Знаки на черепке с Гонура (к вопросу о Маргианской письменности) // ВДИ. 1995. № 2. С. 58.

²⁵ Х л о п и н И.Н. О так называемых печатях (Индикатор собственности или штампа) // Проблемы археологии. Л., 1978. Вып. II. С. 33–38; Франкфорт П.-П. Печати Окса: разнообразие форм и изменимость функций // ВДИ. 1997. №. 4. С. 60–71.

²⁶ Mellaart J. Catal Huyuk. A Neolithic Town in Anatolie. L., 1967.

²⁷ Х л о п и н И.Н. О так называемых печатях... С. 33–38.

²⁸ М а с с о н В.М. Алтын-Депе // Тр. ЮТАКЭ. Л. 1981. Т. XVIII. С. 98.

лигини, яъни унинг кейинги ҳаракатини белгилашда асосий восита вазифасини бажарган. Бир сўз билан айтганда, муҳрлар товарларнинг этник келиб чиқишини белгилаган ва савдони тартибга солишда муҳим восита вазифасини бажарган²⁹.

А.-П. Франкфор Бақтрия муҳрлари вазифаси масаласини ечишда муаммони кенгроқ олган. Вақт ўтиб, жамият тараққиёти давомида муҳрларнинг вазифаси ўзгариб борган, муҳрларни ясаш, ишлаб чиқариш сарой хизмати билан боғлиқ, маълум нуфузга эга бир гуруҳ аҳоли томонидан ташкил этилган ва уларнинг рамзлари бўлган. У ишлаб чиқариш ва савдони ташкил этган давлат бошқаруви билан боғлиқ бўлмаган. Қимматбаҳо ашёлардан (олтин, кумуш, ложувард каби) ва худоларга тегишли тасвирлар туширилган муҳрлар юқори табақа аҳоли вакилларига тегишли бўлган ва уларнинг мифологик қарашларини ифодалаган. Шу табақа вакиллари Қадимги Шарқ маданиятлари марказлари билан яқин алоқада бўлган. Бронза, ярим қимматбаҳо тошлардан ясалган муҳрлар эса, ўз навбатида, шаҳарнинг ўзига тўқ хунармандлари, деҳқон ва бошқа турли-туман аҳоли вакилларига тегишли бўлган деган хулосага келган³⁰.

Албатта, ушбу археологик артефактнинг функциясини аниқлашда типологик тадқиқотлар ечим беради. Юқориди таъкидлаб ўтганимиздек, Бақтрия муҳрлари А. Асқаров ва унинг шогирдлари томонидан, Марғиёна муҳрлари эса И.С. Клочков томонидан классификация (туркумлаш) қилинган ва 13 типга бўлинган³¹. Афсуски, бу туркумлаш тизими Г.-П. Франкфор томонидан танқид қилинган ва ўзи 5 та мақбул типни таклиф этган, булар кўпқиррали, цилиндрсимон, ясмиқ (ўсимлик) шаклли, хоч ва тўрпардасимон (перегородчатое)³². Дьюринг Касперс эса Бақтрия ва Марғиёна муҳрларининг турли хиллигини эътироф этган ҳолда, Қадимги Шарқ дунёсининг бирорта маданият марказларида бунчалик кўп шаклли муҳрлар учрамайди деб таъкидлайди³³. Франке-Фогт эса қадимги Ҳинд, Эрон, Форс кўрфази муҳрлари билан Бақтрия—Марғиёна муҳрларини таққословчи жадвал қилган ва Ўрта Осиё муҳрларининг хилма-хиллигини эътироф этган³⁴.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Сюзанна Боғистоний Эрон, Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон худудларидан топилган 641 та бронзадан ясалган муҳрларнинг статистик таҳлиллари ва типологик таърифини яратган³⁵. Бирин-

²⁹ L a m b e r g - K a r l o v s k y C.C. Third Millenium Models of Exchange and Models of Production. Ancient Civilizations and Trade. Albuquerque, 1975. P. 362.

³⁰ Ф р а н к ф о р А.-П. Печати Окса: разнообразие форм и изменяемость функций // ВДИ. 1997. № 4. С. 65.

³¹ К л о ч к о в И.С. Глиптика Маргианы (Принципы описания и классификации) // ВДИ, 1997. № 1. С. 103.

³² Ф р а н к ф о р т Г.-П. Печати Окса: разнообразие форм и изменяемость функций // ВДИ. 1997. № 4. С. 61.

³³ D u r i n g - C a s p e r s E.C. Triangular Stamp Seals from the Arabian Gulf once again // Proceedings of the Seminar for Arabian studies. 1994. 24. P. 104.

³⁴ F r a n k e - V o g t Y. The Early Period at Mohenjo-Daro // From Sumer to Meluhha: Contributions to the Archaeology of South and West in Memory of George F. Madison, 1994. P. 54.

³⁵ B a g h e s t a n i S u z a n n e. Metallene Compartimentsiegel aus Ost-Iran, Zentralasien und Nord-China. Archaologie in Iran und Turan. Band 1. Leidorf, 1997. P. 427.

чидан, мазкур монографик тадқиқотда жуда катта ҳудуд танланган, Эрон ва Марказий Осиё ҳудудларидан топилган муҳрларни таққослаб ўрганиш тушунарли, ammo Куча ёдгорлигидан топилган бир дона муҳр асосида Шарқий Туркистон ҳам тадқиқот ҳудудига киритилган. Иккинчидан, асарда тарихийликдан кўра статистик тадқиқот бош вазифа қилиб белгиланган, тўғри, археологияда бу ниҳоятда керак ва зарур, лекин келтирилган статистик маълумотлардан ҳулосалар чиқарилмаган. Учинчидан, манбаларга комплекс ёндашилмаган, шаклан бир-бирига ўхшайдиган, бронзадан ясалган манбалар танлаб олинган, кўплаб бошқа манбалар қолиб кетган. Манбаларга бўлган нотўғри муносабат натижасида Эрон, Марказий Осиё, Шарқий Туркистоннинг бронзадан ясалган муҳрлари бир-бирига айнан ўхшаш деган фикр келиб чиққан. Шу сингари, манбаларга тизимли ёндашилмаганлиги натижасида, фанда Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларига нисбатан «ташқи Эрон» деган нотўғри ғояларнинг пайдо бўлишига асос бўлган³⁶. Бу ибора аввал инглиз, кейин рус тилли адабиётларда қўлланмоқда³⁷.

Марказий Осиё археологиясида сфрагистика бўйича муҳокама этилаётган яна бир муаммо Бақтрия—Марғиёна глиптикасида ифодаланган тасвирларни классификация қилиш ва уларнинг семантикасини яратишга бағишланган мақолалардир³⁸. Ушбу йўналишда чоп этилаётган мақолаларнинг камчилиги шундан иборатки, уларда ҳам энг қизиқарли, тасвирга бой муҳрлар танлаб олинган. Боз устига, муҳр Қадимги Шарқ глиптикасига яқин мавзуда яратилганлигига кўп тадқиқотчилар эътиборларини қаратишган. Бинобарин, биронта хорижлик мутахассис геометрик тасвирлар ифодаланган муҳрларга бағишлаб мақолалар ёзмаган, ваҳоланки, Сополли маданияти глиптикасининг 40 % дан ошиғини геометрик тасвирлар ташкил этади³⁹. Энг муҳим жиҳатлардан бири, Бақтрия

³⁶ A m i e t P. *Elam and Bactria. Bactria. An Ancient Oasis Civilizations.* Roma-Venezia, 1989.

³⁷ Антонова Е.В. К проблеме формирования Бактрийско-Маргианского археологического комплекса // КСИА РАН. Вып. 223, 2009. С. 202–223.

³⁸ A m i e t P. *Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides* (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972; Fevioli P., Fiandra E. *The administrative Functions of Clay Sealings in Prehistoric Iran.* Iranica. Napoli, 1979; Frangfort H.P. *Fouilles de Shortughai. Recherches sur L'Asie Central protohistoriques.* V.I.II. Paris: Boccard, 1989; Gupta S.P. *Archaeology of Soviet Central Asia and the Indian Border lands.* Vol.II. B.R. Publishing corporation, Delhi, 1979; Lamberg-Karlovsky. *Third Millenium Models of Exchange and Models of Production.* Ancient Civilizations and Trade. Albuquerque, 1975; Salvatori S. *Bactria and Margiana Seals. East and West.* Vol.50, 2000; Salvatori S. *Protohistoric Margiana: on a Recent Contribution.* (Review of: «IASCCA. Information Bulletin», 19, Moscow 1993 // *Revista di Archeologia.* Venice, 1995. Anno XIX; Sarianidi V., A m i e t P. *L'age des echanges inter-iraniens 3500–3700 avant J.-C.* Paris, 1986. Информационный бюллетень МАИКЦА, Вып.14. М., 1988; Sarianidi V. *Margiana and Protozoorastrism.* Athens, 1998; Антонова Е.В. К проблеме функций печатей ранних земледельцев Востока // СА. № 4, 1984. С. 26–34; Массон В.М. Первые цивилизации. Л., 1989; Сарияниди В.И. Сиро-Хеттское происхождение Бактрийско-Маргианской глиптики // ВДИ. М., 1999. № 1, С. 53; Масимов И.С. Новые находки печатей эпохи бронзы с низовой Мургаба // СА. 1981. № 2. С. 132–150.

³⁹ Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданияти муҳр-тамгалари типологияси...

глиптикасининг илдизи бўлган, Жанубий Туркменистоннинг энеолит ва илк бронза даврига оид муҳрларга геометрик тасвирлар характерли эканлигини унутмаслигимиз керак.

Муҳокама этилаётган долзарб муаммолар орасида энг муҳимларидан бири, албатта, Бақтрия ва Марғиёна глиптикасига Қадимги Шарқ марказларининг маданий таъсири масаласидир. Муҳокама шундай авж олиб кетганки, маданий таъсир масаласи олимларни қониқтирмасдан, айримлари халқларнинг бевосита миграцияси натижасида Амударё бўйларида глиптиканинг янги маркази шакланган деган хулосага ҳам келишган⁴⁰.

Бақтрия тарихи бўйича кўплаб гоёлар муаллифи П. Амье илк марта Бақтрия глиптикасида Сурия ва Хетт маданиятларининг таъсири масаласини кўтарган⁴¹. Унинг фикрича, Бақтрия глиптикасида ифодаланган қанотли одамлар, қанотли ҳайвонлар илк марта Кичик Осиёда шакланган ва Эрон, Жанубий Туркменистон орқали Бақтрияга тарқалган. Бақтрия ва Марғиёна глиптика мактабининг шаклланишида Кичик Осиёнинг таъсири масаласи йирик археолог олимлар, жумладан, италиялик профессорлар С. Салватори, М. Тоси⁴², Афғонистон бозорларида сотилган муҳрларининг бир қисми Узоқ Шарқ музейларидан жой олиши муносабати билан япон шарқшунос олимлари ва археологлари К. Танаби, А. Хори, К. Ишидалар ҳам П. Амьенинг фикрини қўллашган⁴³. Кичик Осиё глиптикасининг БМАКка⁴⁴ таъсири масаласини энг кўп қўллаб-қувватлаган олим В.И. Сариниди бўлиб, кейинги йилларда чоп этилган деярли барча асарларида нафақат маданий таъсир, балки Кичик Осиёдан арийларнинг миграцияси натижасида Бақтрия ва Марғиёна глиптикаси шакланган деган гоёни илгари суради⁴⁵.

Кўплаб олимлар Бақтрия глиптикасидаги илон, аждар, чаён каби тасвирларни Месопотамия глиптика мактаби билан боғлайдилар⁴⁶.

⁴⁰ Антонова Е.В. К проблеме формирования Бактрийско-Маргианского археологического комплекса // КСИА РАН. Вып. 223, 2009. С. 202–223.

⁴¹ A miet P. Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972.

⁴² Salvatori S. Bactria and Margiana Seals. East and West. Vol. 50, 2000. P. 97–145; Tosi M. A Topographical and Stratigraphical Periplus of Sahre Suxteh. Proc. ASARI 1975, 1976; P. 130–158; Tosi M. Excavations at Shahr-i Sokhta. Preliminary Report on the Second Campaign, Sept.-Dec. 1968, EW 19, 1969. P. 283–386.

⁴³ Tanabe K., Hori A., Ishida K., Nagasava M., Itami S. Animals in the Art of the Ancient Orient. The Ancient Orient Museum, Tokyo, 1983.

⁴⁴ БМАК — Бақтрия—Марғиёна археологик комплекси.

⁴⁵ Сариниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. Ашгабат, 2002. 279 с.; Sarianidi V.I. Seal-Amulets of the Murgab Style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. Recent Soviet Discoveries. Ed. by Kohl P. L. New York, 1981. P. 221–225; Сариниди В. Задолго до Заратуштры. М., 2010. 168 с.

⁴⁶ Winckelmann Sylvia. Intercultural Relations between Iran, the Murghabo-Bactrian Archaeological Complex (BMAC), Northwest India and Failaka in the Field of Seals. East and West. Vol. 50, 2000. P. 43–95; Джоан Аруз. Образы сверхчувственного мира: Бактрийско-Маргианские печати в их связи с Ближним Востоком и долиной Инда // ВДИ. 1998. № 2. С. 81–98.

Месопотамия ва Элам глиптикасидаги параллел жиҳатлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Э. Порада Қадимги Шарқ глиптика марказлари орасида Окс цивилизациясига Эрон иконографияси энг яқин деган хулосага келган⁴⁷.

А.-П. Франкфор Окс цивилизацияси глиптикасини Қадимги Шарқ иконографияси билан таққослаб муҳрларда ифодаланган тасвирлар сюжет ва композиция жиҳатдан Ҳинд, Месопотамия ва ҳаттоки Элам санъатини ҳам такрорлашмаслигини таъкидлайди. Аждар, ҳайвонлар ҳукмдори каби тасвирларда ўхшашлик бўлса, бу тасвирий санъат тилидир. Марғиёна ва Бақтрияга худудий жиҳатдан энг яқин бўлган Элам глиптикаси билан ҳам мувофиқлик ва номувофиқлик жиҳатлари мавжуд⁴⁸.

Бақтрия ва Марғиёнанинг цилиндр шаклли муҳрлари борасида ҳам А.-П. Франкфор ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган, ўзига хос фикрни айтган. Маълумки, цилиндр шаклли муҳрларни деярли барча тадқиқотчилар ҳеч иккиланмасдан Хараппа маданияти билан боғлашган⁴⁹. А.-П. Франкфор эса Бақтрия ва Марғиёнанинг цилиндр шаклли муҳрлари Элам, Хараппа ёки Месопотамиянинг таъсирида пайдо бўлмаган, у маҳаллий халқнинг кашфиётидир, деган фикрга келган. Тадқиқотчи ўз фикрини ушбу типдаги муҳрларнинг мил. ав. III минг йилликдан бошлаб Ўрта Осиёда мавжудлиги, уларда ифодаланган тасвирлар фақат маҳаллий характерга эга эканлиги ва ниҳоят Бақтрия—Марғиёнанинг цилиндр шаклли муҳрларида нафақат ён томонларида, балки усти ёки паст қисмида ҳам муҳрлашга мўлжалланган тасвирларнинг мавжудлиги ўзига хослик жиҳатидир, деб хулоса чиқаради ва бу анъана фақат Бақтрия ва Марғиёнага хосдир, деб ҳисоблайди⁵⁰.

Бақтрия ва Марғиёна глиптикасининг шаклланишида маҳаллий анъаналар ва ўзига хослик жиҳатлари ёритилган адабиётлар сони ҳам ортиб бормоқда⁵¹. Бу адабиётларда энеолит ва бронза даври муҳрлари ва уларда ифодаланган тасвир-

⁴⁷ P o r a d a E. Man and Images in the Ancient Near. Wakefield – Londres, 1995; F e v i o l i P., F i a n d r a E. The administrative Functions of Cley Sealings in Prehistoric Iran. Iranica. Napoli, 1979.

⁴⁸ Ф р а н к ф о р А.-П. Печати Окса: разнообразие форм и изменемость функций // ВДИ. 1997. № 4. С. 67.

⁴⁹ М а с с о н В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Т. XVIII. Л. 1981. С. 88; A m i e t P. Elam and Baktria. Baktria. An Ancient Oasis Civilizations. Roma-Venezia, 1989; A m i e t P. Glyptique Susienne. Des origines a L'epoque des perses Achemenides (MDAI, t. XLIII). Paris, 1972.

⁵⁰ Ф р а н к ф о р А.-П. Печати Окса: разнообразие форм ... // ВДИ. 1997. № 4. С. 67.

⁵¹ М а с с о н В.М. Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Л. Т. XVIII. 1981. С. 88; Salvatori S. Sequential Analysis and Architectural Remains in the Central Quarters of Shahr-i Sokhta. Papers from the 4th international Congress on South Asian Archaeology, Neapel 1977, Naples, 1979. P. 141–148; A m i e t P. Antiquites de Baktriane // La revue du Louvre et des Musees de France. 1978. 3. P. 153–164; A m i e t P. Iconographie de la Baktriane protohistorique // Anatolian Studies 1983. XXXIII. P. 19–27; М а с и м о в И.С. Изучение памятников эпохи бронзы низовьев Мургаба // СА. 1979. № 1. С. 111–131; P i t t m a n H. Art of the Bronze Age. Southeastern Iran, Western Central Asia and the Indus Valley. N. Y., 1984; S a r i a n i d i V.I. Seal-Amulets of the Murghab style // The Bronze Age Civilization of Central Asia. N.Y., 1981. P. 221–255.

ларнинг монандлиги, фақат Бақтрияга хос бўлган, бронзадан ясалган дарпардасимон (перегородчатое) муҳрлар ва уларнинг тарқалиш географияси, уларда ифодаланган тасвирларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган. А.-П. Франкфор Окс цивилизацияси глиптикасига бронза давригача бўлган ибтидоийлик ҳам хос эканлигини, шомонийлик одатларининг сақланиб қолганлигини таъкидлайди⁵².

Кейинги туркум мақолалар Бақтрия ва Марғиёна глиптикасининг айрим ўзига хос жиҳатларига қаратилган. Бу мақолаларда илон, чаён, бургут каби тасвирларнинг алоҳида ёки бошқа ҳайвонлар билан ифодаланиши ёритилган⁵³.

Шундай қилиб, Бақтрия ва Марғиёна муҳрлари ва уларда ифодаланган глиптик тасвирлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу йўналиш бўйича жуда бой археологик манба тўпланган. Бошқа археологик манбаларга қараганда глиптика кўпроқ тарихий маълумотлар бериши ҳам маълум бўлмоқда. Аммо ушбу археологик артефактга илмий ёндашиш масаласида тадқиқотчилар бир қатор услубий камчиликларга йўл қўйишган. Биринчидан, ушбу артефакт жуда кўп адабиётларда муҳр сифатида эътироф этилган. Аммо уларнинг аксарияти тумор вазифасини бажарган. Бу камчилик Марғиёна муҳрлари бўйича бажарилган И.С. Клочковнинг тадқиқотида ҳам кузатилади, у типологик тадқиқотга бағишланган энг сўнгги илмий ишдир⁵⁴. Ушбу артефактга тамга сифатида ёндашган тадқиқотчилар ҳам мавжуд. Бу масалада шуни таъкидлаш ўринлики, Сополлитепа, Жарқўтон, Бўстон, Тиллабулоқ ёдгорликларида ўтказилган тадқиқотларнинг хулосасига кўра, бронза даврида биронта ишлаб чиқарилган маҳсулот турларига тамга қўйиш одати удум бўлмаган, демак ушбу буюмга нисбатан тамга иборасини қўллаш нотўғри. Ушбу ҳолатдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Сополли маданияти муҳрлари ва туморларининг типологиясини яратишда, даставвал, икки предметнинг сифатли ва характерли белгиларини ишлаб чиқиш орқали функциялари аниқланади.

Мазкур топилмаларнинг аксарияти ёпиқ мажмуа, қабрларда учраган бўлиб, қазишма муаллифлари муҳр ёки туморнинг қайси қабрдан, қандай предметлар билан бирга учраганлиги, қабрнинг неча ёшдаги эркак ёки аёл кишига тегишли эканлиги ҳақидаги маълумотларни тўлиқ ёритганларига қарамай⁵⁵, халқаро дара-

⁵² Франкфор А.-П. Печати Окса: разнообразие форм и изменчивость функций // ВДИ. 1997. № 4. С. 69.

⁵³ Сараниди В.И. Змей и драконы в глиптике Бактрии и Маргиании // Восточный Туркестан и Средняя Азия в системе культур древнего и среднего востока. М., 1986; Амье П. Богини и царицы Элама // ВДИ. 1997. № 1. С. 97–105; Антонова Е.В. Драконы «Цивилизации Окса» // ВДИ. 2004. № 1. С. 76–81; Джоан Аруз. Образы сверхчувственного мира: Бактрийско-Маргианские печати в их связи с Ближним Востоком и долиной Инда // ВДИ. 1998. № 2. С. 81–98; Антонова Е.В. Очерки культуры древних земледельцев Передней и Средней Азии. М., 1984. С. 150.

⁵⁴ Клочков И.С. Глиптика Маргианы (Принципы описания и классификации) // ВДИ, 1997. № 1. С. 103.

⁵⁵ Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана ... С. 89–101; Аскарлов А.А., Абдуллаев Б.Н. Джаркутан ... С. 91; Рахманов У.В. Керамическое производство эпохи бронзы ... С. 21; Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии ... С. 81–92.

жада нашр этилаётган мақолаларнинг биронтасида уларнинг топилган жойига эътибор берилмаган. Бу муҳокама этилаётган мазкур предметга услубий жиҳатдан нотўғри ёндашувдир. Олиб борилган тадқиқотларда Бақтрия—Маргиёна глиптикасидаги миксоморф ёки экзотик одамлар ифодаланган тасвирларни ёритишда ёзма манбалар «Ригведа», «Авеста» маълумотларидан ёки зардуштийлик анъаналари ёритилган тарихий асарлардан деярли фойдаланилмаган. Уларда қадимги мифологик одамлар ҳақида маълумотлар келтирилиб, бирининг кўзи кўрагида, бошқаси бир оёқли ёки қўш қанотли, бир қарич бўйли, одам кўринишли ва ит бошли, ўрмонда яшовчиларнинг танаси жунли ва думли эканлиги ёритилган⁵⁶.

Бизнинг фикримизча, тасвирий санъат намуналари ифодаланган предметларга, у тошдан ясалганми, металлдан ишланганми ёки сопол бўлишидан қатъи назар, комплекс ёндашиш зарур. Негаки бу тасвирларда қадимги бақтрияликларнинг фалсафий ва мифологик қарашлари ифодаланган.

А. ШАЙДУЛЛАЕВ

ҚАДИМГИ БАКТРИЯ ГЛИПТИКАСИНИНГ ТАРИХШУНОСЛИК МУАММОЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон халқлари санъати тарихи ва археологиясига кириб келаётган янги илмий йўналиш — глиптика соҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бронза даврига оид Бақтрия ёдгорликларидан топилган, тошдан ясалган муҳрлар ва уларда ифодаланган тасвирлар мақоланинг асосини ташкил этади. Мақолада глиптика тасвирлари ифодаланган археологик артефактларнинг топилиши, шу мавзу бўйича фанда пайдо бўлган фикр ва мулоҳазалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Қадимги Шарқ, Бақтрия, муҳр, глиптика, геометрик тасвирлар, инсон — ҳайвотот дунёси ҳукмдори, инсон — дунё ҳукмдори, мифология.

А. ШАЙДУЛЛАЕВ

ИСТОРИОГРАФИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ГЛИПТИКИ ДРЕВНЕЙ БАКТРИИ

В статье рассматриваются вопросы изучения глиптики, которая является новым научным направлением в археологии и истории искусств древней Бактрии. Каменные печати и отраженные в них сюжеты являются основным материалом данной статьи. На основе печатей, обнаруженных в Бактрии, рассматриваются вопросы генезиса глиптики.

A. SHAYDULLAEV

GLYPTICS OF ANCIENT BACTRIA: STUDIES, PROBLEMS AND SOLUTIONS

The article deals with the study of glyptics, which is a new research direction in archeology and the art history of Ancient Bactria. Stone seals and the stories reflected in them are the main material of this article. On the basis of the seals found in Bactria the problems of the genesis of glyptics are discussed.

⁵⁶ Бундахишн, 104; Пехлевийская Божественная комедия, 2001. С. 157–161.

ТАРИХ ВА АДАБИЁТ

Н. МУСТАФАЕВА

ШОИРА ЗУЛФИЯХОНИМ ҲАЁТИГА ТАРИХИЙ НАЗАР

Буюк француз мутафаккири П. Бомарше: «Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт»¹, деган мулоҳазалар билдирган эди. Мазкур фикрлар ўзининг ижоди, ҳаёти ва жўшқин фаолияти билан замонавий ўзбек аёли тимсолига айланган Зулфияхоним умр йўлига нисбатан қўлланилса, муболаға бўлмайди. Шоира ХХ аср ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири сифатида тан олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 31 октябрда қабул қилган «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорида шоиранинг «Бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳиссаси»² алоҳида қайд этилди.

Зулфияхонимнинг ҳаёти ва ижоди адабиётшунослар томонидан бир қадар чуқур ўрганилган, унинг таржимаи ҳоли, миллий шеърият ривожига қўшган ҳиссаси, таржимонлик фаолияти тадқиқ этилган. 60-йиллардан бошлаб ҳозирга қадар нашр қилинган ўзбек адабиёти ва тарихига бағишланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, хрестоматияларда, шунингдек, Зулфияхонимнинг турли йилларда нишонланган юбилейлари муносабати билан чоп этилган журнал, газета мақолаларида шоира ҳаёти ва ижоди, у ҳақидаги хотиралар алоҳида ўрин эгаллади.

Умуман, Зулфияхоним асарларини илмий таҳлил қилиш дастлаб ХХ асрнинг 50-йилларидан, яъни унинг ижод жараёнида эканлигидаёқ бошланди³. 60-йиллардан эътиборан эса шоира ижоди махсус тадқиқот объектига айланди ва илмий таҳлилларга асосланган бир неча асарлар ҳамда диссертациялар яратилди⁴. 70–80-йилларда шоиранинг ижодига тааллуқли илмий тадқиқотлар доираси кенгайди⁵.

¹ Тафаккур гулшани. Тошкент, 1989. 299-б.

² Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2014 йил 7 ноябрь.

³ Олимов А. Шоира Зулфия. Танқидий-биографик очерк. Тошкент, 1953.

⁴ Муфина Ф. Зулфиянинг ҳаёти ва ижодий йўли. Филол. ф. номз. ... дисс., Тошкент, 1961; Шу муаллиф. Зулфия публицистикаси. Тошкент, 1965; Акбаров А. Қалб куйчиси. Тошкент, 1965; Бобохўжаев Н. Зулфиянинг поэтик маҳорати. Филол. ф. номз. ... дисс. Тошкент, 1967 ва б.

⁵ Қайумов Л. Зулфия. Адабий портрет. Тошкент, 1975; Фафуров И. Ям-яшил дарахт. Тошкент, 1976, 180–203-б.; Султонова М. Ижод саҳифалари. Тошкент, 1975; Шу муаллиф. Зулфия. Тошкент, 1985; Маматова Х.Н. Переводческое мастерство поэтессы Зульфийи. Автореф. дисс. ... на соиск. уч. ст. к. филол. н. Ташкент, 1980; Маматова С. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1981, 279–308-б.; Ҳасанова Ҳ. Аёл қалбининг куйчиси. Тошкент, 1975; Шу муаллиф. Нозик қалблар эҳтироси. Тошкент, 1981; Каримов С. Зулфия асарларининг тили ва услуби. Филол. ф. номз. ... дисс. Самарқанд, 1982; Маматова Х.Н. Переводческое мастерство поэтессы Зульфийи. Автореф. дисс. ... на соиск. уч. ст. к. филол. н. Ташкент, 1980 ва б.

Мустақиллик йилларида Зулфияхоним ижодига яна бир неча маротаба му-рожаат этилди ҳамда янги адабий мушоҳадалар ва ёндашувларга асосланган диссертациялар яратилди⁶. Шоиранинг чоп этилган барча асарлари рўйхати даврийлик асосида тўпланди⁷. Юқорида қайд этилганидек, ҳозиргача шоира илмий мероси фақатгина адабиётчилар нуқтаи назаридан таҳлил этиб келинган. Бироқ, шоира яшаган давр ва жамиятда рўй берган турли хил ўзгаришларнинг унинг ҳаёти ва фаолиятига таъсири масалаларини тарихийлик назидан ўрганиш бо-расида махсус тадқиқот яратилган эмас.

XX аср тарих саҳифаларига тараққиёт ва мураккабликлар, курашлар ва зид-диятлар, ривожланишдаги ички қарама-қаршилиқлар, инсонлар тақдирини ўзгартирган ва бошқа бир қатор жиҳатларни ўзида жам этган давр сифатида муҳрланди. Бу даврдаги ўзбек адабиёти ҳам жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида содир бўладиган туб бурилишлар, ислохотлар таъ-сирида ривожланди ва унинг вакиллари ижоди йўналиши ва моҳиятининг бел-гиланишига сабаб бўлди. Ҳар бир ёзувчи, шоир ўз даврининг маҳсули ҳисобла-нади ва давр кишиси сифатида уларнинг тақдирлари замон билан ҳамоҳанг кечади ҳамда уларнинг асарлари ўз замонасига хизмат қилади. Мукаммал яра-тилган асарлар эса замонлар синовидан ўтиб, келажакда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Аксинча, бундай асарлар нафақат адабиёт ривожига, шу билан бирга тарихий тадқиқотларни тўлдирувчи қўшимча манба сифатида ҳам эъти-рофга лойиқ бўлади. Адабиётнинг муҳим ютуғи шундаки, у доимий ривожла-нишдаги яхлит бир жараён сифатида халқ ҳаёти ва инсон психологиясини ба-дий талқинда у ёки бу даражада тадқиқ этиб келади. Уларни чуқур ўрганиш давр тенденциясини ҳамда замондош кишиларнинг тафаккури ва дунёқарашига таъсир этган турли омилларни аниқлаш имкониятини беради. Шу маънода Зул-фияхонимнинг умр йўли ва ижоди ўз даврининг ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда кечди. Унинг ҳаёт йўли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Қари-мов таъкидлаганидек: «... тарихимизда бундай беназир сиймоларнинг мавжуд-лиги — такроран айтишга тўғри келади — ўзига хос бир феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир. Бу эса нафақат бугунги, айни пайтда эртанги авлодларимиз-нинг ҳам маънавий бойлигига айланиб, халқимизга ҳеч нарса билан ўлчаб, қийслаб бўлмайдиган руҳий куч-қувват ва мадад бериши муқаррар»⁸.

Исроил Муслимов қизи Зулфия 1915 йил 1 мартда Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида туғилди. Унинг отаси оддий ҳунарманд-темирчи бўлса-да, оилада-ги тарбия ва маънавий муҳит Зулфиянинг шоира бўлиб шаклланишига туртки бўлди. Бу ҳақда у: «... муъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда осто-на ҳатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл — онам уйғотган»⁹, деб хотирлаган эди.

⁶ Абдукаримов Т. Зулфиянинг 70–80-йиллар ижодида лирик қаҳрамон тасвири. Филол. ф. номз. ... дисс. Тошкент, 1995; Умурова Г. Зулфия ижоди ва рус адабиёти (таржима, танқид, англаш). Филол. ф. номз. ... дисс. Самарқанд, 2004.

⁷ Умр Х., Носир А. Шеърят маликаси. Тошкент, 1996.

⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.

⁹ Зулфия. Адабий ўйлар. Тошкент: Фан, 1985. 13-б.

Фарзандлари тарбияси ва камолотига бефарқ бўлмаган ҳақиқий ва оддий ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини шоира ўз онаси ҳақидаги сатрларида баён этди:

*«Сўфи Оллоёрми, девона Машраб
Баёзларин ўпиб қўлга оларди.
Юмушими, ўйинми — барини ташлаб,
Сеҳрли оламга кириб борардик»¹⁰.*

Зулфия аввал бошлангич мактабда, 1931—1934 йилларда хотин-қизлар педагогика билим юртида ўқиди. Билим юрти қошида шоир Шукур Саъдулла раҳбарлигидаги адабий тўгарак ташкил этилган бўлиб, унда ўз даврининг йирик шоир ва ёзувчилари билан учрашувлар уюштирилар эди. Бу учрашувлар, шубҳасиз, шоиранинг ижодга йўналишига туртки бўлган. Зулфия талабалик йилларидаёқ кўпгина тенгдошлари қаторида Шарқ ва Ғарб классик адабиётининг ноёб асарларини мутолаа қилишни бошлади. «Мен ҳаммасини бирдай яхши билиб олишга интилар эдим. Навоий ва Пушкин, Ҳофиз ва Шекспир, Байрон ва Некрасов, Лермонтов ва Лутфийни ўқир эдим, ўқиш ва уқишга интилардим»¹¹, дейди шоира. Бунинг натижасида эса Зулфия миллий фольклор, жаҳон адабиёти ва мумтоз шеърият билан яхши танишиш ҳамда уларни ўз тафаккурида уйғунлаштиришга эришди ва бу хислат унинг бутун ижодида намоён бўлиб келди.

Шоиранинг илк шеърий тўплами «Ҳаёт варақалари» нашр этилганда у эндигина 17 ёшга тўлган эди. Китобча сўз боҳиси муаллифи Насрулло Охундийнинг «замонамизнинг ёш, умидли шоираси — Зулфияси ўзбек қизлари ичида адабиёт фронтига дадил қадам ташлагани ҳолда, унинг мумтоз бир шоира бўлиб етишишига шубҳамиз йўқ, албатта»¹², — деган таъбири келажакда ўз исботини топди. Ушбу тўпламдаги ўз замонаси мафкурасига мос шеърларида, Зулфия ёш бўлишига қарамай, ҳатто, балки буни англамаган ҳолда, аёллар номидан ўз замондошларининг руҳий интилиш ҳамда кечинмаларини давр ҳаётининг барча мураккабликлари ва зиддиятлари билан кўрсата олди, деб айтиш мумкин. Умуман, шоиранинг 30-йиллар ижодида фабрика- заводларга жалб этилаётган, пахта далаларига чиқиб «зарбдор» бўлаётган аёллар тимсоли яратилди ва бу даврнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги кескин ўзгаришларнинг ифодаси ҳам эди.

1935 йилда Зулфия ўз тақдирини шоир Ҳамид Олимжон билан боғлади. Илмга бўлган интилиши сабаб у Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқиди. Фарзандли бўлиш ва уларнинг тарбияси боис унинг келгуси иш фаолияти болалар нашриётида муҳаррир вазифасида кечди. Бундай дейилишга сабаб, 1940 йил 19 ноябрда бўлиб ўтган Тошкент шаҳар хотин-қиз ёзувчиларининг иштирокидаги кенгашда сўзга чиққан нотик ўша давр ўзбек адабиётида фаолият юритаётган Ойдин, Раъно Узоқова,

¹⁰ Зулфия. Хотирам синиқлари // Зулфия. Тонг билан шом аро. Сайланма. Тошкент, 2005. 213-б.

¹¹ Ўша манба... 12-б.

¹² Зулфия. Ҳаёт варақалари. Шеърий тўплам. Тошкент, 1932. 4-б.

Офтобхон Холботирова, Сайёра Оқилвалар қаторида Зулфия номини ҳам алоҳида қайд этиб, оилавий ташвишлар билан ижодда бироз ортда қолаётганини танқид қилган эди¹³.

Айтиш лозим, совет даврининг қатагон сиёсати унинг оиласи тақдирида ҳам аянчли из қолдирди. Зулфияхонимнинг умри давомида юрак армони бўлган — туғишган акасининг қатагонга учрагани ва бу йилларда унинг оиласига нисбатан бўлган адолатсизликлар ҳақидаги фактларни у илк маротаба ижодининг сўнгги йилларида яратган «Хотирам синиқлари» достонида очик айтди. Унинг биргина:

*«Онам қўлларида мушдай тугунчак,
Тош шаҳарни кезар авахта излаб,
Авахта нечадир, зор она неча,
Нечалар яшарди замонни «сиз»лаб»¹⁴,*

сатрлари давр воқелигига берилган ҳақиқий баҳо эди.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши Зулфия ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказди ва ижодининг фаоллашувига олиб келди. Шоира бу йиллардаги ижоди орқали уруш давридаги оғир ҳаётни, ўзбек йигитларининг фронтдаги жасоратларини ўқувчига етказишга интилди. Энг асосийси, шоира она Ватанни эъзозлаш, уни ҳар қандай душмандан асраш, садоқат ғояларини тарғиб қилди. «Шеърларим воқеабанд бўлиб қолди, десаммикан? Лекин баёнчилик маъносида эмас. Мен бу шеърларга ўз руҳий тарихимнинг бир парчасини жойлаштира бошладим, бу парчанинг ўз тугуни, кульминацияси ва ечими бор эди»¹⁵. Зулфияхоним бундай қийин ва қалтис замонда аёлларнинг тақдирини, даврнинг энг оғир юки хотин-қизлар зиммасига тушганини қатор мисраларида акс эттиришга ҳаракат қилди. Айниқса, «Кўлимда қуролу, устимда шинель» шеърида ўзбек хотин-қизларининг нафақат фронт ортида, балки жанг майдонларидаги жасоратини, уларнинг руҳий кечинмаларини тасвирлаб берган эди. Таҳликали уруш йилларида бу шеърлар халқ орасида кенг ёйилди ва кишиларнинг қалбига кириб борди.

Ҳамид Олимжоннинг фожиали ўлиmidан кейинги шоира ижодини адабиётшуносликда «шеърларида ... автобиографик факт — «руҳий тарих» таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Зулфия учун аксари вақт ўз ҳаёти, тақдири, кечинмалари билан ўзгаларники прототип вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам Зулфиянинг ҳижрон мавзуидаги асарлари ... инсон тақдири, унинг руҳий олами билан боғлиқ хилма-хил туйғу, фикр-ўйлар, орзу-армонлар тўғрисидаги асарлар сифатида ардоқланади»¹⁶, деб баҳоланади. 1945 йилда уруш йиллари шеърятини баҳологан Мақсуд Шайхзода бу давр шоирларига нисбатан «жўшқин Ғафур Гулом, қувноқ кайфиятли Уйғун, эҳтиросли Ҳамид Олимжон, хаёлпараст Миртемир, оққўнгил А. Умарий»лар билан бир қаторда Зулфияхонимга «нозик, мулойим» деган тавсифни берган эди¹⁷.

¹³ ЎзР МДА. Ф-Р-2356, 1-рўйхат, 73-иш. 12–13-варақлар.

¹⁴ Зулфия. Хотирам синиқлари... 214–215-б.

¹⁵ XX аср ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1999. 355-б.

¹⁶ XX аср ўзбек адабиёти тарихи... 357-б.

¹⁷ ЎзР МДА. Ф-Р-2356, 1-рўйхат, 108-иш. 29-варақ.

Аммо урушдан кейин, аниқроғи, 1947–1953 йилларда совет қатагон сиёсатининг янги тўлқини олимлар, ёзувчи ва шоирларни ўз таъқибига олди. Бу йилларда қабул қилинган қатор қарорлар ижроси сифатида ўзбек ёзувчи ва шоирлари ижодида ҳам «жиддий хато ва нуқсонларни очиб» ташлаш авж олди. Бу жараён Зулфияхоним ижодини ҳам четлаб ўтмади. Шоира урушдан кейинги дастлабки йиллардаги ижодида «ёт бўлган, маслакисиз шеърлар ёзган»ликда, «абстракт, ноаниқ фикрларни илгари сурган»ликда, «пессимистик мулоҳазалар юритган»ликда айбланди. 1951 йилда бундай «жиддий нуқсонлар» Ўзбекистон ёзувчиларининг 4- пленумида С. Абдулла, Ҳ. Фулом, М. Бобоев, А. Иванов, А. Мухтор, Мирмуҳсин, С. Сомова, Уйғун, Фафур Фуломлар каби Зулфия асарларидан ҳам «чуқур таҳлил» орқали топилган эди¹⁸. «Правда» газетасининг 1951 йил 5 декабрь сонисида чоп этилган «Янги ҳаёт поэзияси» мақола-сида: «баъзи ўзбек шоирларида бўлгани каби, Зулфия ижодида ҳам формалистик, қуруқ сўз ўйинларига берилиб кетиш майллари бор. Мирмуҳсин ва Зулфиянинг баъзи бир асарларида ҳанузгача традицион образлар ва керакисиз «чиройли»ликларнинг таъсири сезилади»¹⁹, деб ёзилди. Шунингдек, Зулфия ижоди Мамарасул Бобоев, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожонларники сингари: «улар ўзларининг алоҳида шеърларида Ватан тушунчасини ўз республикалари мисолида тор доирага солдилар. Совет Иттифоқидан алоҳида равишда Ўзбекистондан тор миллатчилик хусусиятлари билан завқландилар»²⁰, деган қаттиқ танқидга учради.

Бу даврда Ўзбекистон ёзувчилари олдида турган вазифа — она тилини ёт, архаик араб-форс сўзлари билан ифлослантириш эмас, балки ўз сўз хазинасини чинакам халқ сўзлари билан бойитишдан иборатдир»²¹, деган устувор вазифа белгиланган эди. Гарчи Зулфия шеърлятида: «Совет армияси, гений, социалистик, коммунистик, лауреат, делегат, образ каби юзлаб рус-интернационал сўзлар қўлланилаётгани»²² эътироф этилса-да, аммо «унинг баъзи шеърларида эски архаик сўзлар, арабча-форсча сўзлар, диний тушунчаларни билдирадиган терминлар қўлланган, натижада янги замоннинг воқеа-ҳодисалари, совет кишиларининг юқори тушунчалари, ҳис-туйғуларини ифодалаб бериш учун бу сўзлар ё ожизлик қиладилар, ёки маънога путур етказадилар. ... Ҳозирги замон китобхони шоира томонидан қўлланган *рўё* (хаёл, туш), *само*, *қисмат*, *сония* (секунд), *жаннат боғи* каби ўнлаб эскирган сўзларга изоҳ талаб этади»²³, дейилди. Шоиранинг «Юртимни куйлайман» шеърлидаги:

«... Нечукким, инсоннинг илк ва сўнг юрти

Таянчи, ташвиши, қувончи тунроқ» сатрларига нисбатан: «... *илк, сўнг, таш-*

¹⁸ Совет адабиёти ҳақида партияизмининг улғу ғамхўрлиги // Шарқ юлдузи. 1951. № 8. 5-б.

¹⁹ Иқтибос А. Олимжоннинг шоира Зулфия (Танқидий-биографик очерк. Тошкент, 1953. 60-б.) ҳақидаги китобидан олинди.

²⁰ ЎзР МДА. Ф-Р-2356, 1-рўйхат, 311-иш. 86-варақ.

²¹ Т у р с у н о в Ҳ. Ўзбек совет адабиётида ғоясизлик ва маслакисизликка қарши қатъий кураш олиб борайлик // Шарқ юлдузи, 1951. № 9. 133-б.

²² Олимжон А. Шоира Зулфия ... 55-б.

²³ Ўша манба ... 57-б.

вишии» сўзлари ўйланмасдан ишлатилгани учун фикр абстрактлашиб қолган. «Бизнинг юрт нима учун инсонларнинг ҳам илк ва ҳам энг сўнгги юрти бўлар экан?» деган савол туғилади²⁴, деган баҳо берилди.

1954 йил 10 августда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон совет ёзувчиларининг учинчи съездида уюшманинг ижодий секциялари ва комиссияларининг камчиликлари очиб ташланди²⁵. Ушбу анжуманда: «Воқелигимизни бадий ифода-лаш ва акс эттиришдаги камчиликларнинг бош сабаби аввало шуки, бизнинг энг тажрибали ёзувчиларимиз воқелик билан ўзларининг жонли алоқаларини кўпинча йўқотиб қўймоқдалар, саноат корхоналарига бормаётирлар, колхоз қишлоғининг одамларини синчиклаб ва системали равишда ўрганмаётирлар, кўпсонли интеллигенциямизнинг ҳаётини яхши билмайдилар. Бу эса уларнинг ижодиётига ёмон таъсир қилмоқда. Фафур Ғуломнинг, Ойбекнинг, Уйғуннинг, Яшиннинг, Зулфиянинг, Собир Абдулланнинг ҳозирги замон темаларида чуқур мазмунли, бадий гўзал асарлар яратишларига халақит бермоқда»²⁶, деган фикрлар билдирилди. Аммо шу билан биргалликда, бу анжуманда Ўзбекистон ёзувчилари союзининг бошқармаси (Абдулла Қаҳҳор — раис) сайланиб, жами 29 та шоир ва ёзувчилар рўйхатидан ягона аёл шоира — Зулфия ўрин эгаллади. Шунингдек, у бошқарма президиуми ҳамда 1954 йил ноябрда Москвада бўлиб ўтган ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ иккинчи съездига юборилган 14 делегат таркибига киритилди²⁷.

Албатта, таҳликали давр шоирани ўз синовидан ўтказди. Кучли тазйиқлар, танқидлар Зулфиянинг оташин, ватанпарвар, халқпарвар шеърятини синдира олмади. Ўзбекистон аёлларининг ёрқин тимсолига айланган шоира ижодининг асосий қисмини хотин-қизлар мавзуига бағишлади.

Зулфия 50-йиллар бошидан кейинги бутун ижтимоий ва ижодий фаолиятини бевосита «Ўзбекистон хотин-қизлари», 1966 йил №5 дан эътиборан «Саодат»²⁸ деб ном олган журнал билан боғлиқликда олиб борди. Бу унинг ўзбек хотин-қизлари билан доимо муносабатда бўлишига кенг имкониятлар яратиб берди. Зулфияхоним дастлаб таҳрир ҳайъатида, сўнг масъул котиб, 1954 йилдан бошлаб 30 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида журналнинг бош муҳаррири вазифасида ишлади. XX асрнинг иккинчи ярмида жамиятда долзарблик касб этган —

²⁴ Олимжон А. Шоира Зулфия ... 57-6.

²⁵ Қаранг: Съезд кундалиги // Шарқ юлдузи. 1954. № 9. 89–94-б.

²⁶ Съезд кундалиги // Шарқ юлдузи. 1954. № 9. 90-б; Абдулла Қаҳҳор. Совет ёзувчилари бутуниттифоқ иккинчи съездининг якунлари ва Ўзбекистон ёзувчиларининг вазифалари // Шарқ юлдузи. 1955. № 4. 110-б.

²⁷ Съезд кундалиги ... 93–94-б.

²⁸ «Саодат» номининг берилиши ҳақида шундай ёзилган эди: «Журналга хотин-қизларнинг мулки бўлиб қолган бахтиёрлигини, гайрат ва шижоатга, орзу ва ҳавасларга тўла ҳаётларини бир ном топиб қўйсак бўлмайми, деган хоҳиш ва таклиф ҳақида ўйладик. Маслаҳатлашдик. Бу кунги ўзбек аёлига САОДАТ деган ном жуда қойим. Шунинг учун Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳаммасини ҳам Саодат деб атасак ярашади» // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1966. № 4. 32-б.

тинчлик ва дўстликни тарғиб қилиш, айниқса, хотин-қизларни ижтимоий фаолликка жалб этиш, эскилик сарқитлари билан курашиш масалалари Зулфияхоним раҳбарлик қилган журналнинг бош мақсадига айланган эди. «Бош муҳаррир журналнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг тасвири учун жавобгарлигини, нимани очиқ айтиш мумкин-у, нимани ёзиш шарт эмаслигини»²⁹ яхши билган эди.

Авалло, замондош олимлар неолит ва бронза даври одамлари тиллари (ҳамда сочи ва кўзининг ранги) хусусида бундай аниқ маълумотни қаердан олдилар экан? Бу даврларга оид Ўрта Осиёда бирон ёзув намунаси топилмаган. Балки, минтақа тарихчиларидан бирортаси ўша олис замонларга бориб келиб, жойтунликлар ва калтаминорликлар билан сўзлашгандир? Эҳтимол, улар «сарғишсоч, мовийкўз ва баланд бўйли» кишилар билан ҳам учрашгандир? Хитой манбаларини тузган номсиз муаллифларга ҳам қойил қолиш мумкин, гўё улар узоқ юртларга саёҳат қилиб, ҳозирги Бухоро воҳасида ривожланган бронза даврига оид Замонбобо маданияти ҳамда Хоразм воҳасидаги Тозабөгёб маданияти аҳоли вакилларининг «шубҳа қолдирмаган» «прототурк тили» ҳақида маълумотлар йиғиб олганмикинлар? Шундай бўлса ҳам қадимги хитойликлар бу тилни қандай қилиб «прототурк тили» деб аниқлаганлар? Замонавий афсоналар қадимий асотирларга нисбатан чегара билмас экан.

Бронза даври ва ундан янада олдинроқ даврларга тааллуқли археология маълумотлари моддий ва маънавий маданиятнинг турли томонларини етарли даражада таҳлил қилишга имкон беради. Бироқ, агар гап ёзув пайдо бўлишига қадар тарих хусусида борар экан, бу ўринда археология манбалари муайян этносни белгилаб берувчи индикатор вазифасини ўтай олмайди (мисол учун, қадимги сопол идишни ўрганиш асосида, уни ишлаб чиқарган кулол қайси

¹² Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалаларини ўқитиш муаммолари // Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. Тошкент, 2014. 84-б.

¹³ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ... 207-б.

тилда сўзлашганини аниқлаш вазифаси ҳали бирон-бир тарихчи тасавурида пайдо бўлмаган). Ўрта Осиёда неолит, энеолит ва бронза даврларига оид у ёки бу археологик топилмалар эгаси бўлган қабилалар, гарчи сўзсиз замонавий халқларнинг қадимги аجدодлари ҳисоблансалар-да, номсизликларича қоладилар. Қачонки буни рад этувчи ёзувлар топилгунга қадар, ушбу факт ўз кучида қолаверади. Шу боис, «прототурк тили», «прототурк қабилалари» ҳақидаги ғоя — бу илмий далиллар билан исботлаб берилмаган шахсий фикрдир.

Истиқлол йилларида тарих ва этнология соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб бориш, ҳолисона фикрлар ва ёндашувлар асосида фаолият юритиш, жумладан, этногенез масалаларига оид монографик ишларни яратиш учун кенг йўл очилди. А. Асқаровнинг янги монографиясида этнология соҳасидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсади қўйилган. Бундай мақсадни қўллаб-қувватлаш мумкин, лекин тадқиқотда ўртага ташланган баъзи бир ғояларга қўшилиб бўлмайди. Монографияда қадимги этник жараёнларга доир айрим янги фикрлар ва қарашлар билдирилганини эътироф этган ҳолда, умумий таклиф ҳам билдириш ўринлидир. Агар ҳар бир муаллиф ўзининг шахсий тахмин ва хулосаларини, тарих фанида эътироф этилмаганлигига қарамай тарихий ҳақиқат деб ўз мақолалари, ўқув-қўлланма ёки монографияларида такрор-такрор баён этса, бу ўқувчини боши берк кўчага олиб кириши аниқ.

А. САГДУЛЛАЕВ

А. АСҚАРОВНИНГ ЯНГИ АСАРИДА ТАКЛИФ ЭТИЛГАН ЎЗБЕКЛАР ЭТНОГЕНЕЗИ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Мақолада А. Асқаров томонидан илгари сурилган Ўзбекистон тарихининг даврлаштириш ва ўзбек халқининг этногенези масалаларига оид айрим қарашлари ҳамда ёндашувлари кўриб чиқилган. Мақола муаллифи монографияда ўз аксини топган фикр-хулосаларни ижобий баҳолаши қаторида, мунозарали, етарлича асосланиб берилмаган, хатолардан иборат ҳолатлар ҳақида ўз мулоҳазаларини тақдим қилади.

А. САГДУЛЛАЕВ

НЕКОТОРЫЕ СУЖДЕНИЯ О КОНЦЕПЦИИ ЭТНОГЕНЕЗА УЗБЕКСКОГО НАРОДА, ПРЕДЛОЖЕННОЙ А. АСКАРОВЫМ В НОВОЙ МОНОГРАФИИ

В статье рассматриваются некоторые взгляды и подходы А. Аскарова к проблеме периодизации истории Узбекистана и этногенеза узбекского народа. Наряду с положительными аспектами отмечаются дискуссионность, недостаточная обоснованность и ошибочность ряда положений.

А. SAGDULLAYEV

SOME CONSIDERATIONS ABOUT THE CONCEPT OF ETHNOGENESIS OF THE UZBEK PEOPLE PROPOSED IN A NEW MONOGRAPH BY A. ASKAROV

A. Askarov's some approaches and views on the problems of Uzbekistan's periodization of history and ethnogenesis of the Uzbek people are considered in this article. Along with positive aspects, there it might be noted disputability, insufficient validity and inaccuracy of some situations.

А. АШИРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА ОИД МОНОГРАФИЯ ҲАҚИДА

XXI аср бошлари ўзбек халқи тарихи ва миллий қадриятларини ўрганиш соҳасида янги зарварақларни муҳрламоқда. Миллий мустақилликка эришилгандан сўнг нафақат сиёсий тузумда, балки мафкуравий ҳаётда ва ўтмиш тарихга бўлган муносабатда ҳам улкан инқилобий ўзгаришлар юз берди. Айнан истиқлол йилларида тарих ва этнология фанларидаги концептуал ёндашувнинг ўзгариши натижасида ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва миллий давлатчилик тарихини ўрганишга жиддий эътибор қаратилди.

Нашр этилган тадқиқотларда янги ёзма манбалар, археологик, этнографик материалларнинг илмий муомалага киритилиши сабабли ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи қарийб уч минг йиллик тарихга эга эканлиги тарихий маълумотлар асосида илмий исботланди¹. Қолаверса, тарихан қисқа давр мобайнида ватанимиз олимларининг олиб борган илмий изланишлари натижасида тарих илмида устун бўлиб турган ўзбеклар XVI асрда пайдо бўлган деган қарашга тўлалигича барҳам берилди. Лекин шунга қарамай, тарих фанида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг комплекс таҳлилига бағишланган академик нашрлар ҳозиргача етарли даражада деб бўлмайди. Шу маънода ҳам академик Аҳмадали Асқаров томонидан яқинда «Ўзбекистон» НМИУда чоп этилган «*Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи*» номли монография ўз вақтида чоп қилинган илмий нашр ҳисобланади.

Монография юзасидан ўз фикрларимизни билдиришдан аввал шуни таъкидлаб ўтиш керакки, этногенез ва этник тарих фандаги муаммоли масалалардан бири бўлганлиги, қолаверса, билдирилган фикрлар муаллифнинг муаммага оид шахсий қарашлари эканлиги боис ҳам асарда билдирилган айрим фикрлар, қарашлар мутахассислар томонидан келгусида қизгин мунозараларга сабаб бўлиши шубҳасиздир. Шунга қарамай, монография ўзбек халқи тарихини ўрганишда маълум илмий бўшлиқни тўлдиради. Энг муҳими, академик Аҳмадали Асқаровнинг ушбу асари мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлодни ва қолаверса, ҳар бир ўзбек халқи вакилини мен шу халқ вакили эканман, халқимнинг ибтидоси қаерда, унинг оёққа туриши, тикланиши ва шаклланиш жараёни қандай кечган, аждодларимиз кимлар бўлган каби саволларга жавоб топишида илмий манбаа бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига оид нашрлар борасида батафсилроқ қаранг: Ш о н и ё з о в К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001; Х ў ж а е в А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011; А с қ а р о в А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007; Д ж а б б а р о в И. Узбеки. (Этнокультурные традиции, быт и образ жизни.) Ташкент: Шарқ, 2007; Ўзбек давлатчилиги тарихидан очерклар. Тошкент: Шарқ, 2001; История государственности Узбекистана. В 3-х т. Т. 1. Ташкент, 2009; Узбеки, Москва: Наука, 2011; Ўзбекистон тарихи (XVI асрнинг биринчи ярми — XIX аср). Тошкент: Фан, 2012.

Монография муқаддима, кириш, 20 бобдан иборат асосий қисм ва хулосадан ташкил топган. Шунингдек, китобга илова тарзида фойдаланилган тарихий манба ва адабиётлар рўйхати, қисқартмалар, географик атамалар, жой номлари, этник ва киши номлари, маданият объектлари кўрсаткичи ҳамда атамаларнинг изоҳли лугати берилган.

Кириш қисмида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг замонавий тарих фанида тутган ўрни борасида мулоҳазалар билдирган. Муаллиф таъкидлаганидек, «Халқ тарихининг манбалари — моддий маданият ва ёзма манбалар бўлиб, улардан олинган илмий маълумотлар асосида халқ тарихи яратилади. Тарихий ёзма манбалар, археология, этнография, антропология, лингвистика, топонимика, эпиграфика, нумизматика каби фанлар билан ўзаро алоқада ва узвий боғлиқ бўлиб, уларсиз ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини мукамал илмий ўрганиб бўлмайди»².

Муаллиф ўзбек халқининг келиб чиқиш масаласида мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазаларини илмий асосли тарзда ўқувчилар эътиборига ҳавола қилган. Шунингдек, ўзбек элатининг шаклланиш босқичлари ва унинг халқ сифатида шаклланиш даври борасида А.Ю. Якубовский, С.П. Толстов ва К.Ш. Шониёзов каби академик мутахассисларнинг қарашларини таҳлил қилган ҳамда бу борада ўзининг назарий-методологик қарашларини ҳам баён қилган. Жумладан, билдирилган янги фикрлар орасида энг муҳими *ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланади*, деган концепциядир.

Шунингдек, муаллиф муаммони ўрганиш асносида ўзбек халқи XI–XII асрларда халқ тарзда узил-кесил шаклланган, деган хулосага келган³.

Асосий қисмда ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ҳамда ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни, этногенез ва этник тарихга оид термин, иборалар шарҳи ва бу борадаги назарий методологик қарашлар таҳлили баён қилинган.

Монографиянинг биринчи боби «Этносининг шаклланиш жараёнлари ҳақида фандаги мавжуд қарашлар» деб номланади. Мазкур бобнинг дастлабки параграфида миллий автохтонизм концепциясининг назарий ва методологик асослари таҳлил қилинган. Муаллиф «миллий автохтонизм концепцияси»нинг концептуал асосини ёритиш жараёнида Ўрта Осиёнинг ҳар бир халқи ҳозирда яшаб турган ҳудудлари билан азалдан боғлиқдир. Ҳозирги замон Ўрта Осиё халқларининг биронтаси ҳам қадимги этник гуруҳларга бевосита бориб тақалмайди. Аксинча, уларнинг шаклланишида, ерли туб жойли халқлар ва теваарак-атрофдан кўчиб келган халқлар ҳар хил нисбатда ўз аксини топган⁴ — деган хулосага келади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда айрим кўшни мамлакатлардаги муаллифлар томонидан ўз халқи тарихини илмий асосланмаган ҳолда қадимийлаштириш, титул этнослар тарихини минтақадаги энг қадимги халқ сифатида эътироф

² Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Тошкент: Ўзбекистон, 2014. 7-б.

³ Ўша жойда. 14-б.

⁴ Ўша жойда. 14-б.

этиш асносида бошқа халқларни келгинди ёки кўчманчи халқ сифатида талқин қилишга қаратилган ҳаракатлар бўлаётган жараёнда мазкур гоё нафақат илмий, балки амалий аҳамият ҳам касб этиши шубҳасиздир.

Умуман олганда, асар муаллифи ҳақли тарзда таъкидлаганидек, тарихнинг у ёки бу муаммоси ечими йўлида ишлаб чиқилган илмий концепциялар нафақат тарихий жараёни тўғри ёритишга, балки муайян минтақа халқлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий ҳамжиҳатликка хизмат қилмоғи керак⁵.

А. Асқаров, биринчи навбатда, қадимдан минтақада давом этиб келаётган этносиёсий вазиятга тарихий маълумотлар асосида баҳо беришга ҳаракат қилган.

Тарихдан маълумки, Марказий Осиёда қадимдан икки тилли этник уруф жамоалари, қабила ва элатлар яшаб келган. Улар дастлаб микрохудудий жиҳатдан алоҳида, ёнма-ён, кўп ҳолларда аралашиб яшаганлар. Улар ўртасидаги иқтисодий, маданий ва этник алоқалар узоқ давом этган тарихий жараёнлар бўлиб, маълум ҳудудлар доирасида, улар ўзаро қоришиб, янги этник бирикларнинг вужудга келишига, янги этносларнинг шаклланишига олиб келган.

Муаллифнинг фикрича, айнан ана шундай этногенетик жараёнларнинг этник ҳосиласини минтақанинг қадимий автохтон аҳолиси бўлган ўзбек ва тожик халқлари мисолида кўриш мумкин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам эроний ва туркий этник бирикларнинг маълум нисбатда, узоқ асрлар давомида қоришуви асосида таркиб топган. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам икки этник илдизли аҳоли ҳисобланади⁶.

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид концепцияларни таҳлил қилиш асносида муаллиф, *«Афсуски, ҳозиргача ўзбек халқи тарихи, маданий мероси, унинг келиб чиқиши ҳақида битилган илмий мақолалар, рисоалар, фундаментал характердаги монография ва асарларда асосий урғу, унинг туркий илдизи билан боғлиқ ёзма манбаларга кўпроқ эътибор қаратиб келинди. Натижада, ўзбек халқининг туб жойли ўтроқ сугдий, бохтарий, хоразмий, чоч ва парғана негизига беихтиёр соя тушаётганлигига эътибор берилмай келинди»*⁷ деб хулоса қилади. Бизнингча, айнан бундай қатъий хулосани билдириш бирмунча баҳсли бўлиб, мустақиллик йилларида мутахассислар томонидан ўзбек халқининг автохтон асосига бағишланган кўплаб тадқиқотлар бажарилган⁸. Шу боис ҳам ҳозирга қадар ўзбек халқининг ўтроқ асосларига эътибор қаратилмади, деб хулоса чиқаришни мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи фанида олиб борилган илмий тадқиқотларга етарли даражада берилмаган баҳо деб ҳисоблаш мумкин.

⁵ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ... 32-б.

⁶ Ўша жойда. 427-б.

⁷ Ўша жойда. 14-б.

⁸ Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни...; История государственности Узбекистана. В 3-х т. Т. 1; Камолитдин Ш. С. Происхождение Саманидов. Ташкент, 2008; Отахужаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сугд муносабатлари. Тошкент: Арт-flex, 2010. Аширов А., Қаямов А. Ўзбеклар // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-жилд. Тошкент, 2005. 487–492-б.

Академик А. Асқаровнинг фикрича, «ҳар бир халқ тарихи унинг этногенези ва этник тарихи билан узвий боғлиқ. Этногенез ва этник тарих эса тарих фанининг бош масаласидир». Унинг ёзишича, халқ тарихининг этногенез қисми унинг элат, халқ бўлиб шаклланганига қадар бўлган тарихидан иборат. Қачонки, этник белгилар ва аломатларнинг барчаси содир бўлганидагина этнос — халқ шаклланиши ўз ниҳоясига етади. Шаклланган этноснинг бундан кейинги тарихи фанда этник тарих номи билан юритилади⁹. Академик олимнинг бундай қарашлари этногенез ва этник тарих муаммоси доирасида этнология фанида билдирилган чуқур мушоҳадали қарашлардан бири эканлигини эътироф этган ҳолда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу борада бошқача қарашлар ҳам илгари сурилган. Жумладан, академик К. Шониёзовнинг фикрича, этник тарих — ўрганилаётган халқнинг ибтидоийликдан бошлаб, бир қанча тарихий босқичларни ўтиб, то бизгача давом этиб келган катта даврни қамраб олади¹⁰. Бошқача қилиб айтганда, этник тарих тушунчаси этноснинг қадимда ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган илдизларини, уларнинг алоҳида этник жамоа (этник бирлик) бўлиб шаклланиш даврини ҳамда этноснинг кейинги тараққиёт тарихининг (то миллат бўлиб шаклланишига қадар) ўтган даврини ўз ичига олади. Бироқ ҳар икки муаллиф ҳам этнос — халқнинг шаклланиши миллатнинг шаклланишига тўғри келмайди, деган умумий хулосага келдилар. Ҳар икки муаллифнинг фикрича, миллатнинг шаклланиши этногенетик жараён каби узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, миллат этник тарихнинг энг юқори чўққиси, камолот босқичи, бу босқичга кўтарилган халқнинг давлати миллат номи билан юритилади, аниқ ҳудудий чегарада муомалада бўлган умумхалқ-миллат тили давлат тили мақоми даражасига кўтарилади, ўзликни англаш даражаси фуқароларнинг ҳаёт мазмунига, кундалик турмуш тарзига айланади.

Дарҳақиқат, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, монографияда ўзбек халқи тарихи уч босқичдан, яъни этногенез, этник ва миллат тарихидан иборат тарздаги қарашларга асосланган этнос концепцияси асосида таҳлил қилинган. Муаллифнинг таъкидлашича, бу уч босқичли тарихда тил этник омилларнинг энг муҳими ҳисобланади¹¹. Унинг ҳозирги кунда қайси тиллар оиласига мансублигига қараб, муайян халқ этногенезининг бошланғич нуқтаси аниқланади.

Айнан юқоридаги илмий принципдан келиб чиққан ҳолда муаллиф ўзбек халқининг тили туркий тиллар оиласига мансублигини ҳисобга олиб, унинг туркий илдизи қайси даврга бориб тақалади, унинг манбавий асоси нималардан иборат эканлигининг илмий ечимини қатор археологик, этнографик материаллар ва ёзма манбалар асосида асослашга ҳаракат қилган.

А. Асқаров элат, халқ ва миллатнинг шаклланиш жараёнларига оид ўз фикр-мулоҳазаларини этнография фанида кенг тарқалган этнос назариясига асосланган ҳолда баён қилган. Бу ўринда рус файласуфи С.Е. Рыбаковнинг этнос

⁹ Асқаров А. Ўзбек халқи этногенез ва этник тарихининг баъзи бир назарий ва илмий методологик асослари // *O'zbekiston tarixi*, 2002. № 4.; Ўша муаллиф. *Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи...* 14-б.

¹⁰ Шониёзов К. *Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни...* 80-б.

¹¹ Асқаров А. *Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ...*

назариясига оид фикрига эътиборимизни қаратсак. Унинг фикрича, этнос назарияси билан боғлиқ кўплаб муаммолар бўлиб, аксарият тадқиқотчилар этносни маданият, тил, қон бирлиги, давлат, психик хусусият ва шу кабилар билан таърифлаган ҳолда аслида ҳақиқий этник моҳиятдан узоқлашиб, ҳар бири мустақил бўлган ижтимоий феноменларни ўрганишга берилиб кетади. Хоҳ ўзликни англаш, хоҳ келиб чиқиш бирлиги ҳақидаги тасаввур, дин, тил ўхшашлиги, ҳудудий-ташкилий ўзига хослик бўлмасин, этник гуруҳлар асосини белгиловчи ягона ўлчовни бериш мушкул. Шунингдек, этносни назарийётчилар келтирган бир қатор меъёрлар — тил, маданият, психик хусусият, ўзликни англаш ва ҳоказо кабилар жамланмаси орқали ҳам аниқ белгилаш, ажратиш мушкул. Бу ерда шунчаки этник моҳиятнинг ўзи йўқ. Бу эса ушбу назария билан боғлиқ методологик муаммо ҳисобланади¹².

Ўзбек халқи этник тарихига оид монография муаллифи ўзбек халқининг этногенези, этник тарихини миллат тарихи билан узвийликда таҳлил қилган. Жумладан, миллатга хос жиҳатларни таҳлил қилиш асносида муаллиф, «...миллат капитализмининг ижтимоий маҳсули ҳисобланади. Агар мана шу методологик принципга асосланадиган бўлсак, ўзбек халқининг миллат тарихи XIX аср охири — XX асрнинг бошларидан боиланган»¹³, деб ёзади. Бизнингча, бу қараш бирмунча баҳсли бўлиб, замонавий этнология фани нуқтаи назаридан қараганда ҳам муаммоли қараш ҳисобланади. Чунки айнан юқорида баён қилинган концепция этнологияда мунозараларга сабаб бўлган ва кўплаб тақризчиларнинг танқидий чиқишларига асос бўлган. Хусусан, қатор хорижий мутахассислар томонидан XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб мазкур назария жиддий мунозара мавзуйига айланган. Миллат билан боғлиқ қарашлар борасида тўхталадиган бўлсак, хорижий олимлар фикрича, миллат, аввало, сиёсий уюшма шакли ва ундан кейин этник ва ижтимоий бирлашма феномени ҳисобланади. Миллат ибораси Фарбий Европа тилларида «бир давлат фуқаролари жамоаси» мазмунини англатувчи сиёсий маънони англатган. Сўнгги ўн йилликларда миллат билан боғлиқ анъанавий қарашларда инқилобий ўзгаришлар юз берди. Мутахассислар фикрича, миллат тасаввурдаги тузилма бўлиб, жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва қатъий воқеликка айланади. Бу борада Эрнест Геллнер миллат ва миллатчиликка индустриал жамият асос бўлган деб ёзса, Бенедикт Андерсон миллат индустриал жамиятга ўтиш босқичи, деб таъкидлаган. Шу боис, китобда миллат назарияси билан боғлиқ фанда альтернатив бошқа илмий қарашлар мавжудлиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, мустақиллик йилларида тарих фанида формацион ёндашувдан воз кечилганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Монографиянинг иккинчи боби ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи акс этган илмий адабиётлар таҳлилига бағишланган. Мазкур бобда ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи муаммоси доирасида мамлакатимиз ва хорижда чоп этилган қатор илмий ишлар батафсил таҳлил қилинган. Муаллиф барча адабиётларни таҳлил қилиш асносида соҳада эришилган ютуқ ва камчиликларни ҳам

¹² Рыбаков С. Е. О методологии исследования этнических феноменов // ЭО. 2000. № 5. 8-6.

¹³ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи... 14-6.

кўрсатиб беришга ҳаракат қилишига қарамай, баъзи ўринларда билдирган фикрлари баҳсли ҳисобланади. Чунончи, Аҳмадали Асқаров Карим Шониезовнинг «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» номли монографиясини таҳлил қилиш асносида, «асарда ўзбек халқининг туркий этник компонентлари, уларнинг этник тарихига кўпроқ эътибор қаратилиб, аммо унинг жуда қадим-қадимлардан туб жойли ўзаги ҳисобланган сугдийзабон, хоразмзабон, бохтарзабон илдизи ҳақида бизгача етиб келган моддий ва маънавий маданият излари, археологик маданият обидаларининг ўзбек этногенезига хос жиҳатлари таҳлил этилмаган»¹⁴, деб ёзади. Бизнингча, бу фикр нотўғри мулоҳаза бўлиб, айнан Карим Шониезовнинг юқорида номи зикр этилган монографиясининг 2-боби 1-параграфи (103–151-бетлар)да бу борада батафсил маълумотлар берилган.

Китобнинг учинчи боби «Ўрта Осиё халқлари тарихини янгича даврлаштириш масаласи» деб номланган. Мазкур бобда муаллиф Ўзбекистон тарихини муҳим уч омил, яъни ҳар бир улкан тарихий даврда жамият иқтисодий асосини ҳаракатлантирувчи кучлари, жамиятда мулкка эгалик қилишликнинг характери ва жамият ижтимоий ҳаётининг маънавий асосини ташкил қилган мафкура-лар асосида еттита муҳим тарихий даврларга бўлиб ўрганишни тавсия этади ва ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос жиҳатларини тарихий материаллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилган.

«Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ёзма манбаларда» деб номланган тўртинчи бобда Авесто ва Аҳамонийлар даври қоятош битикларида Ўрта Осиё аҳолиси ҳақидаги маълумотлар билан бирга қадимги юнон муаллифларининг асарлари, Хитой манбалари ва маҳаллий манбалар, жумладан, қадимги Хоразм, Парфия, Бохтарий, Сугд ва турк ёзувларидаги Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ҳақидаги маълумотлар ўзаро узвийликда таҳлил қилинган.

Мазкур нашрнинг бешинчи бобидан то ўнинчи бобигача (135–351-саҳифалар) бўлган қисмларида ўзбек халқи этник асосининг қадимги бронза давридан то илк ўрта асрлар давригача бўлган тарихий босқичдаги этник ҳолати таҳлил қилинган. Мазкур бобда муаллиф, асосан, археологик материаллар асосида ўзбекларнинг қадим аждоглари яшаган ҳудудлардаги деҳқончилик ва чорвачилик маданиятларининг ривожланиш босқичлари тарихи тўғрисида хулосалар қилган.

Аҳмадали Асқаров ўзбек халқининг шаклланиш тарихини қадимийлаштириб, унинг бошланғич нуқтасини бронза давридан бошланишини археологик материаллар асосида илмий жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилган. Бир сўз билан айтганда, мазкур қисмларда янги тарихий, археологик маълумотлар илк бора илмий муомалага киритилган. Лекин шунга қарамай, китобдаги маълумотлар, асосан, Ўзбекистон ва туташ минтақалардаги археологик ёдгорликлар, жумладан, Саразм, Сополлитепа, Жарқўтон, Кучуктепа, Қизилтепа каби кўплаб археологик ёдгорликларнинг Ўзбекистон тарихи билан боғлиқлигини изоҳловчи материаллар тавсифи бўлиб қолган. Қолаверса, мазкур материаллар тавсифига монографиянинг қарийб 212 саҳифаси бағишланиши ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид фундаментал нашрни мутолаа қилган оддий ўқувчи

¹⁴ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ... 48-б.

учун бироз қийинчиликлар туғдиради ҳамда қўйилган муаммодан бироз узоқлашиб, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи билан боғлиқ масалалар ечимини топиш жараёнида бироз чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёда этногенетик жараёнлар деб номланган ўнинчи бобда Турк хоқонлигининг ташкил топиши арафасида Марказий Осиёдаги этносиёсий ҳолат, Фарбий Турк хоқонлиги ва унинг ўзбек халқи этногенезида тугган ўрни, Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даврининг асосий хусусиятлари, антик ва илк ўрта асрларда ўзбек аждолларининг тили масаласи ва унинг илмий таҳлили каби муаммолар ёритилган. Айнан мазкур бобнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, унда ёзма манбаларни археологик материаллар билан ўзаро қиёсланган ҳолда илк ўрта асрлардаги этносиёсий вазиятга ва этник жараёнларга баҳо берилган. Хусусан, VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё этносиёсий майдонида Фарбий Турк хоқонлигининг пайдо бўлиши минтақа халқлари, жумладан, ўзбек халқи этногенези ва давлатчилик тарихида муҳим ўрин эгаллаганлиги илмий асосли тарзда ёритилган.

Китобнинг ўн биринчи бобида IX–XIII аср бошларида Ўрта Осиё аҳолисининг этник ҳолати, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ривожланиши борасида сўз юритилса, ўн иккинчи бобда ўзбек элатининг таркиб топиш босқичлари ва унинг халқ сифатида шаклланиш жараёни илмий асосда ёритилган.

Тақриз қилинаётган мазкур асарнинг кейинги бобларида XIII–XIV асрларда Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудларда этносиёсий жараёнлар, Амир Темур ва Темурийлар даврида этник жараёнлар ва ўзбек адабий тилининг шаклланиши, Дашти Қипчоқ ўзбекларининг Мовароуннаҳрга кириб келиши ва ўзбек хонликлари даврида этномаданий жараёнлар, Россия империяси мустамлакачилик даврида Ўрта Осиёда иқтисодий ва этномаданий ўзгаришлар, Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши арафасида этник ҳолат ва миллий-ҳудудий chegarаланишнинг мақсад ва моҳияти, ўзбек миллатининг шаклланиш жараёни ва ўзбек атамасининг умуммиллат номига айланиши ҳамда ўзбек миллий менталитети билан боғлиқ тарихий воқеликлар ёритилган.

Монографиянинг йигирманчи боби «Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг узил-кесил шаклланишида бош омил» деб номланиб, мазкур бобда истиқлол йилларида ўзбек халқининг ривожланиш босқичлари, мамлакатда ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар ва бу ислоҳотларнинг халқ ҳаётига таъсирига онд кўплаб маълумотлар баён қилинган.

Китобнинг якунидаги хулоса қисмида муаллиф ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи юзасидан умумий илмий-назарий хулосаларини баён қилган. Шунингдек, монографияда фойдаланилган тарихий манба ва адабиётлар билан бирга географик жой номлари, этник терминлар, киши номлари ҳамда маданият объектлари кўрсаткичларининг алоҳида иловалар тарзида берилиши ҳам мазкур нашрнинг илмий қимматининг юқори даражада бўлишига хизмат қилган.

Умуман олганда, мазкур асарда муаллифнинг ҳозиргача Ўзбекистон тарихи ва этнологияси фанида етарлича ишланмаган этногенез ва этник тарих, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи муаммолари ечимига қаратилган муҳим илмий хулосалари баён қилинган.

Хуллас, академик А. Асқаровнинг илмий тадқиқоти ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши ва ўрганилаётган муаммо тарихшунослигида ўзининг муносиб ўрнини топиши шубҳасиздир. Бироқ қўйилган муаммога оид билдирилган асосий фикрлар муаллифнинг шахсий мулоҳазалари ва қарашлари бўлганлиги боис ҳам келгусида бу борада яна кўплаб мутахассислар ўз фикрларини билдиради ҳамда мазкур муаммо кўплаб илмий мунозараларга асос бўлади деб ўйлаймиз.

А. АШИРОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИГА ОИД МОНОГРАФИЯ ҲАҚИДА

Мазкур мақолада академик А. Асқаровнинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» номли монографияси тақриз қилинган. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига бағишланган монографияни таҳлил қилиш асносида унда илгари сурилган концепциялар ва ўзбек халқининг шаклланиш тарихига оид маълумотлар батафсил шарҳланган. Шунингдек, тақриз қилинган асарда илгари сурилган қарашларни таҳлил қилиш билан бирга муаллиф ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи билан боғлиқ турли қарашларга аниқликлар кириштишга ҳамда бу борада ўз муносабатини ҳам билдиришга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: ўзбек халқи, этногенез ва этник тарих, этник гуруҳ, этномаданий жараёнлар, этнос назарияси, миллий автохтонизм концепцияси, халқ, миллат, миллийлик, Ўрта Осиё, Ўзбекистон, миллий менталитет.

А. АШИРОВ

О НОВОЙ МОНОГРАФИИ ПО ЭТНОГЕНЕЗУ И ЭТНИЧЕСКОЙ ИСТОРИИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА

В статье рецензируется монография академика А. Аскарова «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» («История происхождения узбекского народа»). В процессе анализа этой работы, посвященной этногенезу и этнической истории узбекского народа, были высказаны мнения относительно концепций и теоретических точек зрения, выдвинутых в ней. Кроме того, автор постарался внести ясность в различные взгляды, связанные с этногенезом и этнической историей узбекского народа, и изложить на научной основе свои воззрения по этому поводу.

А. ASHIROV

SOME THOUGHTS REGARDING A MONOGRAPH ON THE ETHNOC GENESIS AND ETHNIC HISTORY OF THE UZBEK PEOPLE

In this article the monograph by A. Askarov called «History of Origins of the Uzbek People» is discussed. During the process of analysis of this work, which is dedicated to the ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people, the thoughts regarding the concepts and theoretic viewpoints were put forward. In addition, the author tried to clarify various opinions related to the ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people and express his thoughts based on research results.

ТАЪЗИЯНОМА

ЗИЁЕВ ҲАМИД ЗИЁЕВИЧ

2015 йил 13 июлда таниқли олим, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Ҳамид Зиёевич Зиёев вафот этди. Ҳамид Зиёев ўзининг илмий фаолиятини Ўзбекистон тарихининг энг муҳим муаммоларини ўрганишга бағишлади, яратган қатор илмий асарлари, мақолалари билан тарих фани ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг бутун илмий фаолияти ЎзР ФА Тарих институтида кечди. Фидойи олим, талабчан устоз, камтарин инсон Ҳамид Зиёев хотираси ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида умрбод сақланиб қолади.

«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти олим хотирасига ўз ҳурматини билдириб, Ҳ. Зиёев илмий фаолиятига бағишланган мақолани чоп этишни лозим топди.

«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти,
ЎзР ФА Тарих институти жамоаси.

УСТОЗ ВА ЗАБАРДАСТ ОЛИМ ҲАМИД ЗИЁЕВ ХОТИРАСИГА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёевнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти ўзи яшаган давр машаққатлари билан боғлиқ ҳолда кечди. 1923 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Ҳамид Зиёевнинг ёшлик йиллари Иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди. Фронтдан яраланиб қайтгач, у Тошкент давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирди ва уни тамомлагач, 1946 йилда ЎзР ФА Тарих институти аспирантурасига қабул қилинди.

Ҳ. Зиёев 1953 йилда Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтида «Шарқий Туркистонда 1826 йилдаги халқ кўзғолони» мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унинг кейинги асосий илмий изланишлари мавзуи XVI–XX аср бошларида Ўзбекистоннинг Сибирь, Каспий, Волга ва Урал бўйлари, умуман, Россия билан дипломатик ва савдо алоқалари тарихини ўрганишга бағишланди. Айнан мазкур йўналишда тарихий манбаларни қўлга киритиш мақсадида Ҳамид Зиёев узоқ йиллар мобайнида Москва, Санкт-Петербург, Астрахань, Нижний Новгород, Уфа, Казань, Пермь, Екатеринбург, Омск, Томск, Тобольск, Тюмень, Ирбит, Оренбург, Олма-Ота каби шаҳарлардаги 25 дан ортиқ архив ва музейларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Кейинчалик мазкур маълумотлар асосида унинг «Ўрта Осиё ва Волга бўйлари», «Ўрта Осиё ва Урал бўйлари», «Ўзбеки в Сибирини» номли йирик монографиялари чоп қилинди.

1964 йили Ҳамид Зиёев «Ўрта Осиё ва Сибирь» асари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Ҳамид Зиёевнинг юқорида зикр этилган монографик тадқиқотларида Сибирь, Волга ва Урал минтақаларига турли тарихий даврларда бориб қолган ўзбекларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари ҳамда ҳўжалик фаолияти ўрганилган ва бу борада кўплаб янги маълумотлар илмий истеъмолга олиб килинди. Шубҳасиз, мазкур масалалар доирасидаги илмий изланишлар хориждаги ўзбеклар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган нафақат дастлабки, балки энг йирик тадқиқотлардан бири ҳисоблади.

Ҳамид Зиёев томонидан бажарилган илмий изланишларнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у биринчилардан бўлиб Россия, Сибирь ҳудудларидаги давлат архивларидаги бир неча юз йиллик муҳим тарихий ҳужжатлар асосида ўзбек савдогарларининг жуда қадимданоқ Сибирь, Волга ва Урал бўйларига бориб, бу ерларда ички ва ташқи савдони ривожлантириш, ислом динини тарқатиб, мадраса, масжид ва мактаблар очиб, анъанавий ислом таълимини йўлга қўйиш, хунармандчилик ва деҳқончилик, умуман, маданиятнинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллаганликларини ёритиб берди.

Ҳамид Зиёев ЎзР ФА Тарих институти ташкил этилган дастлабки йиллардан бошлаб, то умрининг сўнгги кунларига қадар қарийб 70 йил (1946–2015 йиллар) шу даргоҳда меҳнат қилди. Олим ўз фаолияти давомида Тарих институтининг «XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида Ўзбекистон тарихи» бўлимига 30 йилдан ортиқ (1964–1996 йиллар) раҳбарлик қилди. Шу билан бирга 20 йил мобайнида (1965–1985 йиллар) Тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида иш олиб борди. Бу даврда институтнинг илмий-ташкилий фаолиятини йўлга қўйишга, малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга, бу ўринда нафақат республика олий ўқув юртлари, балки қўшни республикалар учун ҳам илмий даражали мутахассислар — фан докторлари ва номзодлари етиштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг кўпчилик мутахассислар қатори Ҳамид Зиёевнинг ҳам илмий фаолиятида кескин бурилиш содир бўлди. Айнан истиқлол йилларида олим ўтмиш ва ҳозирги замон тарихини холис ўрганиш борасида тинимсиз илмий изланишлар олиб борди. Жумладан, у Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет даври тарихини ўрганишни давом эттириб, 1998 йилда «Россиянинг Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» монографиясини чоп эттирди. Асарда жуда кенг турдаги манбалар асосида минтақанинг туб аҳолиси, яъни ўзбек халқининг босқинчилар тажовузига қарши қаҳрамонларча курашлари ўз ифодасини топди.

Умуман олганда, Ҳамид Зиёевнинг илмий фаолиятида Ватан мустақиллигини тиклашга қаратилган миллий-озодлик курашларини ёритиш муҳим ўрин эгаллади. Бу борада 2001 йилда чоп этилган: «Ўзбекистон мустақиллигини тиклаш учун курашларнинг тарихи» китоби алоҳида ўрин тутди. Унда энг қадимдан бошлаб халқимизнинг озодлик ва мустақиллик учун аҳамонийлар, юнон-македонияликлар, Араб халифалиги, Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар, сўнгра Россия империясининг тажовузи ва ҳукмронлигига, совет ҳокимиятига қарши (1918–1924 йиллар) ва ниҳоят, Ўзбекистон Президенти И. Каримов бошчилигида ўтган аср 80-йиллари охирида олиб борилган курашлар тарихи илк бор даврий изчилликда, босқичма-босқич, тарихий далиллар асосида батафсил ёритиб берилди.

Ҳамид Зиёевнинг илмий тадқиқотлари Амир Темур тарихига ҳам бағишланган бўлиб, унинг «Буюк Амир Темур салтанати ва тақдири» номли китобида Соҳибқироннинг ўзига хос олий фазилатлари, ҳарбий юришларининг сабаблари ва тарихий заруриятлиги хусусида сўз юритилган. Шунингдек, Шайбонийлар ва кейинги сулолалар ҳукмронлиги, хусусан, хонликлар даврида Амир Темур ва Темурийлар давлати томонидан қўлга киритилган тараққиётнинг барбод бўлиш сабаблари таҳлил қилинди.

Маълумки, тарих илмида Тошкентдаги Қуръони Каримнинг асл нусхаси қаердан ва ким томонидан олиб келинганлиги ҳақида бирмунча ноаниқликлар мавжуд эди. Ҳамид Зиёевнинг Қуръони Каримнинг асл нусхасини Амир Темур томонидан келтирилиши масаласига «Ўзбекистон мадрасалар ватани» китобида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг Олтин Ўрда давлатидан Амир Темур даврида олиб келинганлигини тарихий маълумотлар асосида асослаб берилди.

Олимнинг 2006 йилда дунё юзини кўрган «Ўзбекистон мустамлака ва миллий зулм исканжасида» асарида эса XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида, яъни мустамлакачилик шароитида Ўзбекистонда кечган иқтисодий жараёнлар, унинг Россиянинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши ҳамда бу сиёсатнинг оқибатлари, Фаргона водийсида пахта яккаҳоқимлиги асоратлари каби масалалар кенг тарихий маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Истиқлол йилларида Ҳамид Зиёевнинг «Истиқлол маънавият негизи», «Тарих ўтмиш ва келажак кўзгуси», «Тарихнинг очилмаган саҳифалари», «Ўзбекистон мадрасалар ватани», «Она шаҳрим Тошкент» каби ўнлаб китоб ва илмий-оммабоп рисоалари чоп этилди.

Ҳамид Зиёев ҳаётининг сўнгги йилларида Ўзбекистоннинг Россия билан XVI асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларида олиб борган дипломатик муносабатлари ва савдо алоқаларининг тарихига доир 6 жилддан иборат асарлар тўпламини (165 б. т.) нашр қилди. Мазкур асарнинг дастлабки жилдларида Россия ва Ўзбекистоннинг XVI—XIX асрлардаги ўзаро иқтисодий алоқалари, махсус жилдида эса ўзаро алоқаларни акс эттирувчи тарихий ҳужжатлар ва сўнгги жилдида эса Россия империясининг Қозон, Астрахань, Сибирь, Қрим, Кавказ ва Туркистонга тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар тарихи ёритиб берилди.

Олимнинг сўнгги асарларидан бири Ўзбекистонда мустақилликни тиклаш учун кураш (1989—1991) ҳамда мустақиллик йилларида қўлга киритилган буюк туб ўзгариш ва тараққиёт тарихига бағишланган бўлиб, унинг қўлёзмаси устида нашриётда иш олиб борилмоқда.

Ҳамид Зиёев Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси ва ногирони эди. Шу боис унинг «Ўзбекистон Биринчи ва Иккинчи жаҳон уруши даврида» номли тадқиқоти нафақат тарихий манбалар, балки унинг шахсий кечинмалари, ўзи гувоҳ бўлган тарихий воқеалар ҳақидаги хотираларга асосланган ҳолда яратилган. У билан танишган ҳар бир киши уруш келтирган даҳшатли фожиалар хусусида етарли даражада тасаввур ҳосил қилади. Унда Ўзбекистоннинг фашизмни тор-мор этишдаги муҳим ўрни яққол кўзга ташланади.

Ҳамид Зиёев умумлаштириганда ўзининг 70 йиллик илмий фаолияти давомида 40 та илмий асар ва юзлаб илмий, илмий оммабоп мақолалар яратиб, республикада тарих фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Унинг илмий изланишларининг бундай самарадорлиги мустақиллик ва озодлик берган имкониятлар ҳамда устоз олимнинг сермашаққат меҳнати маҳсули бўлди.

Ҳамид Зиёев ўз илмий мактабини яратган устоз сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни республикаларда ҳам таниқли олим эди. Унинг бевосита раҳбарлигида 40 дан ортиқ шогирдлари докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Бугунги кунда улар Москва, Қозон, Бишкек, Олма-Ота, Тошкент, Фарғона, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Хоразм каби шаҳарларда илмий-педагогик фаолият юритмоқдалар. Бундан ташқари, кўплаб диссертацияларга оппонент ва тақризчи сифатида илмий маслаҳатлар билан ёрдамни аямади, ихтисослашган кенгаш таркибида 40 йилдан ортиқ фаолият юритди. У узоқ йиллар мобайнида олий ўқув юртларида Шарқ мамлакатлари, Греция ва Рим тарихи бўйича маърузалар олиб борди.

Ҳамид Зиёевнинг ижодий фаолиятида ахлоқий тарбия масалалари ҳам катта ўрин тутди. Унинг фарзанд тарбияси ва камолига бағишланган публицистик ва бадиий асарлари бир неча марта, қайта-қайта ўзбек ва уйғур тилларида чоп этилди.

У ўз оиласида тарихчилар сулоласига асос солди – унинг таъсирида илмга меҳр қўйган беш фарзанди тарих ва шарқшунослик йўналишлари бўйича мутахассис бўлиб етишдилар. Улардан учтаси тарих фанлари доктори, биттаси эса фан номзоди илмий даражасига, профессор унвонларига сазовор бўлишди. Буларнинг барида ҳам устоз, ҳам ота, ҳам мураббий сифатида Ҳамид Зиёевнинг ўғитлари катта роль ўйнади.

Ҳамид Зиёев ўзининг публицистик фаолияти ва нутқларида ёшларни шижоат, ватанпарварлик ва меҳнатсеварликка даъват қилиб келди, ўз ҳаёти билан ибрат кўрсатишга интилиб яшади. У ниҳоятда сермазмун, самарали ва ибратли умр кечирди. Ундан 40 дан ортиқ асарлар, қарийб 300 жилдлик катта ва ноёб архив жамғармаси, бой кутубхона, ўнлаб шогирдлар ва тарихчи фарзандлар сулоласи мерос бўлиб қолди. Ниҳоятда иродали, ҳалол инсон, заҳматкаш ва ватанпарвар олим Ҳамид Зиёевнинг ҳаёт йўли ёшларга катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Унинг ёрқин хотираси ёдимизда абадий сақланиб қолади, олим бажарган илмий тадқиқотлари эса Ўзбекистонда тарих фани тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.


*А. Аширов,
С. Агзамходжаев*

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

- А. Кубатин** Тошкент ислом университети «Тарих» кафедраси катта ўқитувчиси
- Қ. Якубов** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходим-изланувчиси
- Т. Пономарёва** Низомий номидаги ТДПУ «Тарих» кафедраси катта ўқитувчиси
- А. Шайдуллаев** Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети «Археология ва этнология» кафедраси ўқитувчиси
- Н. Мустафаева** ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т.ф.н.
- Муштак А. Као** Кашмир университети (Ҳиндистон) Марказий Осиёни ўрганиш маркази профессори
- О. Махмудов** ЎзМУ тарих факультети «Жаҳон тарихи» кафедраси доценти в.б., т.ф.н.
- А. Сагдуллаев** ЎзМУ тарих факультети «Археология ва этнология» кафедраси профессори, т.ф.д.
- А. Аширов** ЎзР ФА Тарих институти бўлим бошлиғи, т.ф.д., профессор
- С. Агзамходжаев** Тошкент ислом университети «Тарих» кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Журнал муқовасида: Будда ибодатхонаси «Подшоҳлар зали»нинг ганчдан ишланган бўртмасидаги аёл персонажи боши. Далварзинтепа. Сурхондарё (э.а. I аср).

На обложке журнала: голова женского персонажа из лепного рельефа «Зала царей» Буддийского святилища в Дальверзин-тепе. Сурхандарья (I век н.э.).



ISSN 2010-7234. O'zbekiston tarixi. 2015. № 3

Индекс 1027